

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

Филология факультети «Ўзбек тили ва адабиёти» бакалавр таълим
йўналишини битирувчиси

АБДУЛЛАЕВА ДИЛНОЗАНИНГ

«ТЎРТЛИКЛАРДА БАДИИЙ ТАФАККУР»
МАВЗУИДАГИ БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

НУКУС-2007



М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

I БОБ

**ПОЭТИК ШАКЛЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИНГ ТАКОМИЛ
ОМИЛЛАРИ**

II БОБ

**ТЎРТЛИКЛАРДА БАДИИЙ ТАФАККУР ТАРЗИ ВА ИЖОДКОР
ИНДИВИДУАЛЛИГИ**

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Нафис сўз санъати вужудга келгандан бери лириканинг олам билан одамни бадий-эстетик идрок ва ифода этишдаги ингичка нафис салоҳияти адабиёт тарихида салмоқли ўрин тутиб келади. Ҳиссий сезгирлиги, фикрий теранлиги ва топқирлиги боис адабий жинс ва жанрлар силсиласида лириканинг нуфузи ўзгача. У фикрчан кечинмалар билан ҳиссий мушоҳадакорликнинг ўзига хос омухталигини таъминлаган ифодасига кўра ижтимоий мазмун-объектив моҳият касб этади. Халқимизнинг маънавий-интеллектуал ҳаётини, шахснинг фикрий-ҳиссий тарбиясини, миллатнинг ижтимоий-маданий тараққиётини бадий баркамол лирика асарларисиз тасаввур этиш қийин.

Ҳозирги шеъриятимиз учун ана шундай ёруғ хусусиятлар бегона эмас. Бир томондан, ўзбек мумтоз лирикаси ва фольклор анъаналарининг, иккинчи томондан, Шарқ ва Ғарб-жаҳон халқлари бадий тажрибасининг самарали таъсири ҳозирги босқич ўзбек лирикасининг янги савияда юксалишига асос яратди, замин ҳозирлади.

Зулфиядан Гўзал бегимгача, Асқад Мухтор, Шукруллодан Рауф Парфигача, Абдулла Ориповдан Баҳром Рўзимуҳаммадгача бўлган бир неча авлод шоирлари изланишлари бугунги ўзбек лирикаси тарихини ташкил этади. Уларнинг бадий тажрибалари ҳозирги ўзбек лирикасининг жанрлари билан поэтик шакллари ранг-баранглигини таъминламоқда. Поэтик шаклларнинг ўзи мустақил бадий система сифатида намоён бўлмоқда.

Зеро, ижтимоий воқелик тақозоси билан юзага келган бадий-эстетик тафаккур табиатидаги сифат ўзгаришлари жанр таркибидаги поэтик шаклларни, хилма-хил ифода усулларини тақозо этади. Ҳар бир авлод ижодкорларининг лирик қаҳрамонлари бир-бирига ўхшамагани сингари улар ҳар бир шеърда ўзига хос йўсинда фикрлайди ҳам. Бу ҳол ҳар бир ижодий авлоднинг шеърят тарихидаги бетакрор қиёфасини белгилаб бериши билан баробар, шоирларимизнинг индивидуал ўзига хос услубини ҳам тайин этади.

Бу ҳол кейинги йилларда олам сир-синоатларини, шахс руҳияти иқлимларини бадиий идрок ва ифода этиш борасида шоирларимиз тинимсиз изланишлар олиб боришаётганидан далолатдир.

Лирика жанрларининг бойлиги, ранг-баранг шаклий ва услубий изланишлар илдизи ана шу заминдан-ҳаётни ва инсонни янгича тушуниш ҳамда тушунтиришдан озиқланади. Ана шу омилдан умрзоқлик сувини ичади. Унинг кутлуғ самараси сифатида Зулфия, Шукрулло, Э.Воҳидов, Абдулла Орипов, Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Машраб Бобоев ва ҳ.к. шоирлар изланишларида фалсафий мушоҳадакорлик билан суғорилган публицистик лирика, мадҳия, монолог, бадеҳа, бағишлов ва ҳ.к. намуналари алоҳида бир саҳифани ташкил этади. Воқеликни, шахс ва жамият маънавиятини фалсафий-аналитик таҳлил этишга мойиллик натижасида сонет, терцин, хокку, танка, рубоий сингари анъанавий жанрлар билан бирга тўртлик, олтилик, саккизлик, ўнлик, ўн иккилик (“Ҳаж дафтари” ва ҳ.к.), фард, насрдаги назмлар Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Хуршид Даврон, Тоҳир Қаҳҳор, Фаҳриёр, Усмон Азим, Азим Суюн, Баҳром Рўзимухаммад, Турсун Али, Матназар Абдуҳаким, Гўзал Бегим ва ҳ.к. шоирлар лирикасидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ғарб ва Шарқ шеърояти бадиий тажрибаларини чуқур ўзлаштирилиши самараси ўлароқ улар ҳозирги ўзбек лирикаси жанрлар системасини кенгайтириб юборди. Бадиий-эстетик ифода имкониятларини ниҳоятда бойитди. Ва энг муҳими, ўзбек шеърий маданиятининг қадрдон жанрлари ва поэтик шакллари бўлиб қолди. Халқимиз миллий руҳиятини, маънавий-интеллектуал бойлигини кўз-кўз этувчи ифода воситаларига айланиб қолди.

Бадиий тафаккурдаги сифат янгиланиши, табиийки, лириканинг анъанавий жанрлари (ғазал, муҳаммас, мусамман, мусаддас ва ҳ.к.) табиатига ҳам структура ўзгаришлари олиб кирди. Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Тоҳир Қаҳҳорнинг аруздаги изланишлари замондошларимизнинг фикрий, ҳиссий бойлигини, дардман ва орзубахш умидларини ёритишда поэтик имкониятлари нақадар кенглигини намоиш этмоқда. Энг муҳими, мазкур

анъанавий лирика жанрлари ва поэтик шаклларда илгари сурилган умуминсоний қадриятлар, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ғоялар шеъриятимизнинг башарий мазмун ила тўйиниб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги ўзбек шеърий маданияти жанрлар системасида мумтоз лирикамиз анъанавий жанрлари (ғазал, муҳаммас, мусамман, мусаддас, туюқ, рубоий, қасида ва ҳ.к.) ҳамда Ғарб ва Шарқ шеъриятидан ўзлаштирилган поэтик шакллар (иккилик, тўртлик, танка, хокку, терцет, терцина, октава, олтилик, саккизлик, шеърий туркум ва ҳ.к.) табиатида янги хусусиятлар касб этиши жараёни кечмоқда. Мумтоз шеъриятимиз бой анъаналари ҳамда жаҳон поэтик тажрибаларини эстетик ўзлаштириш эвазига лирика жанрлари янги-янги поэтик шакллар ҳисобига янада серқирра поэтик шакллар табиатини бойитувчи янги хусусиятлар билан тўйинтирмоқда.

Кўринадик, поэтик маданиятимизда муттасил излаш-изланиш, ўсиш-ўзгариш жараёни кечмоқда. Табиийки, унинг қутлуғ самараси ўлароқ янги-янги шакллар шеъриятимиз табиатини қандай хусусиятлар билан бойитди? Поэтик тафаккур маданиятини бойитувчи қандай аломатлари бўртиб кўзга ташланади?

XX аср охирлари ҳамда XXI аср бошлари – Мустақиллик даври лирикамиз тарихи ва назарияси яратилмаганлиги боисидан шу тахлит кўплаб саволлар кўндаланг бўлади. Улар кейинги йиллар шеърий маданиятимиз тараққиётида поэтик шакллар табиатини ўрганишликни ҳам тақозо этади. Бу нарса, тадқиқот мавзунинг ғоят долзарблигидан далолат беради.

Адабиётшунослигимизда устиворлик касб этган таҳлил ва тадқиқот тамойили бу – ҳозирги адабий жараён илдизларини бир неча минг йиллик адабиётимиз тарихидан излаш ва ўрганиш асосида жаҳон адабий контекстида баҳолаш маданиятининг қарор топиб бораётганида намоён бўлаётир. Шу нуқтаи назардан ғазал, рубоий, туюқ, мусаммат ва ҳ.к. кичик жанрлар поэтикаси борасида жиддий тадқиқотлар яратилди. Ушбу йўналишдаги кузатишлар, назарий умумлашма-хулосалар яқин келгусида яратилажак

лирика жанрлари билан поэтик шакллар тарихи ва назарияси саҳифаларидан жой олиши, жанрлар поэтикасини янги нуқтаи назарлар билан бойитиши шаксиздир. Кейинги йиллар лирикашунослигининг даражаси ҳам диққатга молик. Лирикадаги бадиий-эстетик изланишлар адабий ҳаёт билан, шоир шахсияти ва жамият психологияси билан, шеър табиати ва ички структурасидаги ўзгаришлар билан узвий алоқадорликда тадқиқ этиш тамойили чуқурлашди. Ўзбек шеърӣй маданиятидаги анъана ва новаторлик, поэтик маҳорат, бадиий тафаккур табиати ва ижодкорнинг индивидуал услуби, фалсафӣйлик, гражданлик, психологик тамойилларининг чуқур илдиз отиб бораётганлиги, поэтик тафаккур табиатидаги янгилинишлар, поэтик мантиқ ва бадиий детал, сюжет ва композиция, лирика жанрлари табиатидаги ички сифат-структура ўзгаришлари, ғазал поэтикаси, сўз ва поэтик образ сингари қатор назарий масалалар ўрганилди.

А С О С Л А М А

Мавзунинг долзарблиги: Лирика жанрларининг бойлиги, ранг-баранг шаклий ва услубий изланишлар илдизи ана шу заминдан-ҳаётни ва инсонни янгича тушуниш ҳамда тушунтиришдан озиқланади. Ана шу омилдан умрзоқлик сувини ичади. Унинг қутлуғ самараси сифатида Зулфия, Шукрулло, Э.Воҳидов, Абдулла Орипов, Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Машраб Бобоев ва ҳ.к. шоирлар изланишларида фалсафӣй мушоҳадакорлик билан суғорилган публицистик лирика, мадҳия, монолог, бадеҳа, бағишлов ва ҳ.к. намуналари алоҳида бир саҳифани ташкил этади. Воқеликни, шахс ва жамият маънавиятини фалсафӣй-аналитик таҳлил этишга мойиллик натижасида сонет, терцин, хокку, танка, рубоӣй сингари анъанавӣй жанрлар билан бирга тўртлик, олтилик, саккизлик, ўнлик, ўн иккилик (“Ҳаж дафтари” ва ҳ.к.), фард, насрдаги назмлар Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Хуршид Даврон, Тоҳир Қаҳҳор, Фаҳриёр, Усмон Азим, Азим Суюн, Баҳром Рўзимуҳаммад, Турсун Али, Матназар Абдуҳаким, Гўзал Бегим ва ҳ.к. шоирлар лирикасидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ғарб ва Шарқ шеърӣяти

бадий тажрибаларини чуқур ўзлаштирилиши самараси ўлароқ улар ҳозирги ўзбек лирикаси жанрлар системасини кенгайтириб юборди. Бадий-эстетик ифода имкониятларини ниҳоятда бойитди. Ва энг муҳими, ўзбек шеърий маданиятининг қадрдон жанрлари ва поэтик шакллари бўлиб қолди. Халқимиз миллий руҳиятини, маънавий-интеллектуал бойлигини кўз-кўз этувчи ифода воситаларига айланиб қолди.

Ҳозирги ўзбек шеърий маданияти жанрлар системасида мумтоз лирикамиз анъанавий жанрлари (ғазал, муҳаммас, мусамман, мусаддас, туюқ, рубоий, қасида ва ҳ.к.) ҳамда Ғарб ва Шарқ шеъриятидан ўзлаштирилган поэтик шакллар (иккилик, тўртлик, танка, хокку, терцет, терцина, октава, олтилик, саккизлик, шеърий туркум ва ҳ.к.) табиатида янги хусусиятлар касб этиши жараёни кечмоқда. Мумтоз шеъриятимиз бой анъаналари ҳамда жаҳон поэтик тажрибаларини эстетик ўзлаштириш эвазига лирика жанрлари янги-янги поэтик шакллар ҳисобига янада серқирра поэтик шакллар табиатини бойитувчи янги хусусиятлар билан тўйинтирмоқда.

XX аср охири ҳамда XXI аср бошлари – Мустақиллик даври лирикамиз тарихи ва назарияси яратилмаганлиги боисидан шу тахлит кўплаб саволлар кўндаланг бўлади. Улар кейинги йиллар шеърий маданиятимиз тараққиётида поэтик шакллар табиатини ўрганишликни ҳам тақозо этади. Бу нарса, тадқиқот мавзунинг ғоят долзарблигидан далолат беради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Ишда кўзда тутилган асосий мақсад:

- Шоирларимиз бадий тафаккури табиатидаги ўзига хосликлар поэтик шакллар структурасига олиб кирган сифат ўзгаришларини, ифода усуллариининг муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини кузатиш.
- Тўртлик реалистик тасвир маданияти ва санъаткорлар дунёқариши тақозосига кўра янгича мазмун касб этди. Мазкур структура ўзгаришларининг бадий-эстетик моҳиятини очиш, поэтик шакллар динамикасини ўрганиш.
- – Ассоциатив ҳамда рамзли-тимсолли бадий тафаккур фалсафий лирика жанрлари (хокку, танка, туюқ, рубоий, сонет) ҳамда поэтик шакллар

(иккилик, тўртлик, саккизлик, шеърий туркум ва ҳ.к.)нинг яхлит бир системасини ташкил этиши баробарида бир-бирини бойитиш жараёнларини текшириш.

Тадқиқот объекти ва предмети: ишининг манбаини, асосан, Асқад Мухтор, Шухрат, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Толиб Йўлдош, Жамол Камол, Машраб Бобоев, Тохир Қахҳор ва бошқа шоирларнинг тўртлик, олтилик, саккизлик, шеърий туркум – поэтик шакллардаги асарлари ташкил этади.

Тадқиқот услубияти ва услублари: тадқиқот услубияти ва услублари сифатида адабий тадқиқ методининг қиёсий- типологик усулидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: шеърий жараён материални танлаш, унга ёндошиш ҳамда таҳлил этишдаги ўзига хослик билан белгиланади. Хусусан, кейинги йиллар ўзбек лирикаси поэтик шакллари яхлит бадиий система сифатида илк бор текширилди. Поэтик шакллар табиатидаги ички-структура ўзгаришлари, ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиш жараёни шоирларимизнинг бадиий тафаккур табиати ҳамда ижодий индивидуалликлари билан боғлиқликда уйғун кечиши биринчи марта ўрганилди. Ҳозирги лирикамиз поэтик шакллари мундарижасини ғоявий-бадиий бойиш жараёнида реалистик тасвир маданиятининг янада теранлашиб бораётган аҳамияти, эстетик моҳияти илмий жиҳатдан умумлаштирилди.

Тўртлик, саккизлик мисолида ҳозирги ўзбек лирикасининг мумтоз шеъриятимиз анъаналари билан қанчалик пухта боғланганлиги, ижодий давом эттирилаётгани, поэзия тарихини таъминловчи баркамол намуналарининг фалсафий-ахлоқий мазмундорлиги ижодий метод ва санъаткор дунёқараши билан боғлиқликда очиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи: Тадқиқот materiali ва илмий-назарий умумлашма-хулосаларидан XX аср ҳамда мустақиллик даври ўзбек шеърияти тарихини яратишда, шу жумладан,

поэтик шакллар тарихи ва назариясини ёзишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, олий ўқув юртлирининг филолог талабалари ҳамда академик лицейлар юқори босқич ўқувчилари учун кейинги йиллар ўзбек лирикаси поэтик шакллариининг етакчи тамойиллари, бадий тафаккурнинг янгиланиши ва лирика табиатидаги бадий-эстетик изланишлар, поэтик шаклларнинг яхлит бадий система сифатидаги хусусиятлари ҳақида қўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинар машғулотлари ўтишда ҳам асқотади.

Иш тўзилиши ва таркиби: иш кириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари иккита бобдан иборат.

Баждарилган ишнинг асосий натижалари: ишнинг асосий натижалари лирикадаги тўртликларда бадий тафаккурнинг ўзига хосликлари аниқланганида, мавзувий таркибига аниқлик киритилганлигида кўринади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси:

- Тўртлик реалистик тасвир маданияти ва санъаткорлар дунёқариши тақозосига кўра янгича мазмун касб этганлиги аниқланди.
- Ассоциатив ва рамзли-тимсолли бадий тафаккур фалсафий лирика жанрлари (ҳокку, танка, туюқ, рубоий, сонет) ҳамда поэтик шакллар (иккилик, тўртлик, саккизлик, шеърий туркум ва ҳ.к.)нинг яхлит бир системасини ташкил этиши баробарида бир-бирини бойитиш жараёнларини ўрганилди.
- Шеърий туркумлар табиатидаги эпиклик тамойилларини, эпик тасвир унсурларини аниқлаш, реалистик тасвир маданиятини бойитадиган шоирларимиз бадий маҳоратини ёритилди.

I БОБ

ПОЭТИК ШАКЛЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИНГ ТАКОМИЛ ОМИЛЛАРИ

Бадий тафаккур тарзи ёки ҳозирги адабиётшунослик таъбири билан айтганда, бадий-эстетик тафаккур типлари ўз табиатига мос ва хос бўлган эпик, лирик ва драматик жанрлар системасида намоён бўлади. Лирика наср ва драмадан фарқли ўлароқ ҳаёт ва воқеликнинг, инсон кечмишининг тафсилотларини эмас, аксинча, ҳаёт ходисалари билан воқеликнинг инсон онги-дунёкарашидаги таъсирланиш жараёнларини, акс таъсир кўрсатиш ходисаларини поэтик идрок ва ифода этади. Ана шу шахс онги ва руҳиятидаги туйғулар тархи, кечинмалар тарзи, ўй-мушоҳадалар табиати туғилишиданок ўз мазмунига муносиб “йўргак”да шаклида зухур топади.

Хусусан, “Муножот” куйини карнайда чалиб бўлмаганидек, сурнай навосини духовой оркестрда ифодалаб бўлмайди. Агар ушбу муқоясини архитектура обидалари мисолида янада тиниклаштирадиган бўлсак, мадрасалар биноси мачитлардан, санъат саройлари турар жойлардан, театр-концерт заллари мактаб-ўқув юртларидан фарқ қилиши табиий. Шунга монанд, айтиш мумкинки, “Ўтган кунлар” романининг мазмунини “Кўкан” ёки “Зайнаб ва Омон” достони шаклида, ёхуд Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” саккизлиги мазмунини “Навоий” романи ҳажмида ифодалаб бўлмайди.

Абдулла Ориповнинг “Донишманд дедик” ҳамда Хусниддин Шариповнинг “Балиқ фалсафаси” тўртликларида акс этган мазмунни “Шум бола” ёхуд “Елвизак” қиссалари шаклига солиб ифодалаш қийин. Шоирнинг онги-тафаккурида уйғонган ўй-кечинмалар муайян бадий-эстетик маъно тарзида шакллангач, ўз моҳиятига мутаносиб шаклда намоён бўлаётир. Демак, одамнинг жуссасига, қадди-бастига мос энгил-бош, кийим бичилгани сингари бошига муносиб дўппи танланар экан.

Шоир танлаган бадий ифода услуби тасвирланаётган предметнинг, кечинма ёки мушоҳаданинг моҳиятига даҳлдор кечади. Шу маънода, шеър

асарлардаги ифода усуллари бир-биридан фарқлангани сингари шоирларнинг бадиий тафаккур табиатидаги ўзига хос хусусиятлар индивидуал услубларининг ҳам бир-бирига ўхшамаслигини асослайди.

Абдулла Орипов тўртлигида инсон умрининг мазмун-моҳияти, шахснинг имкониятлари хусусида Бедилони образли тафаккур юритилаётир. Дарё, уммон тушунчалари ўз зиммасига юкланган ижтимоий-фалсафий мазмунга кўра поэтик образга айланаётир. Дарё – бу суви лиммо-лим оқиб ётган серғулув, асов дарё эмас, йўқ. Уммон – бу теран ва бекарон океан ҳам эмас. Асло, улар ўз зиммасига олган ва акс эттираётган маъно моҳиятига кўра рамз даражасига кўтарилаётир. Инсонга табиат томонидан насиб этган, бу ёруғ очунда рухиятига сингдирилган фикрий-ақлий ва маънавий куч-қудратга муносиб шиддат хос. Зеро, чумчукдан бургутнинг шашти-шижоатини кутиш амри-маҳол бўлганидек, сорбургутнинг мусича ҳолига тушиб қолиши ҳам шунчалар аянчли.

Шу маънода, инсоннинг пешонасига битилган худо юктирган буюк истеъдоднинг даражаси ҳам ҳар хил. Кимларнингдир умри ҳам мисол “лип” этади-ю, қайта кўз очолмайди. Яна айрим умрлар бўладики, ой ёғдусидек тунлари кўзларингга, кўнглингга ойдин бир ёруғлик бағишлаб туради. Яна шундай ёруғ умрлар бўладики, уларнинг истеъдоди офтоб мисоли бекиёс ва бетимсол.

Шу тахлит дарё ва уммон тушунчалари ўқувчи тасаввурида рангин маъноли таҳайюллар уйғотади. Инсон умрининг мазмуни хусусида қиррадор мушоҳадаларга ундайди.

“Балиқ фалсафаси” тўртлиги ҳам ғоят теран, фалсафий мазмунга эга. У инсон феъли-фаолиятидаги ноқисликлар, ожизликлар, буқаламунликлар хусусида образли йўсинда фикр юритаётир. Одамлар бор, амал-мартабага, мол-мулкка, бойликка эришиш учун ўзини не-не кўйларга солмайди, дейсиз. Нуфузли кимсалар олдида ялтоқланиши, “улуғ” зотларнинг йўлларини супурги мисоли чиннимок қилиб ярақлатиб қўйиши, ёғ тушса ялагудек тутишга маҳкум.

“Балиқ фалсафаси” тўртлиги бир умр “улуғлар” пойига пояндоз бўлиб келган кимсалар тириклигини, ҳаёт фалсафасини балиқ образи мисолида ҳажвий йўсинда, аччиқ истехзо билан ёрқин очишга эришган.

Яхшилар суҳбатин эшитиб дейсан
Ўзингда йўқ, хурсанд: – сув бўлиб кетдим.
Мен сувдек ҳаётга хизмат этсам деб,
Қалбимни шу тўрт йўл шеърга беркитдим.¹

Толиб Йўлдош тўртлигидаги бадий тафаккур тарзи камсўз, пойдор, халқчил доноликка мойил. Шоир китобларининг катта қисмини кичик жанрдаги лирик мулоҳазалар, саккизликлар, тўртликлар, ўнликлар ташкил этади. Устоз шоир Асқад Мухтор таъкидлаганидек, “ихчам афористик ифодага интилиш, умр мазмуни, одамнинг ҳаётдаги ўрни, изи, ёшлик, кексалик, вақт ва мангулик ҳақидаги фикр ҳамда ҳаётини тажрибаларни айтиб олишга ҳаракат қилиш унинг бутун ижодига поэтик бир ўйчанлик руҳини бағишлайди. Поэзиянинг бу турида ишлашнинг ўз қийинчиликлари бор. Унда шоирни ҳар қадамда дидактикага, насихатгўйликка берилиб кетиш ҳавфи пойлаб туради. Аммо, Толиб Йўлдош лирикасининг энг яхши қисмида ҳавфни четлаб ўтишга муваффақ бўлаётир. Унинг умр ҳақидаги ўйларида меҳнаткаш халққа хос ёрқин оптимизм, кичик парчаларида ёшликка хос ўйноқи равонлик доим сезилиб туради”.²

Кўринадик, ҳоҳ насрда, ҳоҳ назмда бўлсин, бадий тафаккур табиати лирика жанрлари структурасини, ифода услубини белгилаб бераркан. Қисқалик, фикрий яхлитлик ва лўндалик, теран маънодорлик юқоридаги ҳар икки тўртликнинг жанр хусусиятини белгилаб бермоқда. Тўғри, тўртликнинг туроқлари ҳар хил. “Донишманд дедик” – ўн бир (11) ҳижоли. Қофияланиш тартиби ҳам ўзгача. Биринчи, иккинчи, тўртинчи сатрлар (а-а-б-а) қофиядош. “Балиқ фалсафаси” эса ўзгача. Биринчи сатр-8, иккинчи сатр-5 бўғиндан иборат. Назм тўртликдаги биринчи ва иккинчи мисралар кейинги икки

¹ Толиб Йўлдош. Ошиқ кўнги. Шеърлар. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 97-бет.

² Асқад Мухтор. Халқчил шеърят (сўзбоши). Толиб Йўлдош. Ошиқ кўнги. Шеърлар китобининг 3-бети.

сатрда қайта такрорланаяпти. Оддий рефрен усули-сатрлар қайтариғи ғоят теран маънодорликни юзага чиқаряпти.

Тасвир предметига муносабат ҳамда уни ёритиш йўсини ҳар икки тўртликни тафаккур тарзи жиҳатидан ҳам, бадиий идрок ва ифода услуби жиҳатидан ҳам фарқлантириб турибди. Демак, жанр услубини белгилаб бераяпти. “Донишманд дедики” тўртлигидаги дарё ва уммон тушунчаларининг таҳайюлли тимсолларга айланиши теран фалсафий мазмунни ёрқин очишга хизмат қилаётир. “Балиқ фалсафаси” тўртлигида поэтик идрок ва ифода тарзидаги аччиқ истехзо – балиқнинг думини ликиллатиши орқали вужудга келаётган ҳажвий ҳолатни нурлантириб юборган.

Кўринадики, жанр услуби ҳам, поэтик асар услуби ҳам, Абдулла Орипов билан Ҳусниддин Шарипов индивидуаллигини таъминлаган муҳим услубий хусусиятлари ҳам бадиий тафаккур тарзи орқали омукталикда намоён бўлаётир. Айтиш мумкинки, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясидаги фожий мазмунни “Майсаранинг иши” комедиясидаги кулги воситасида ифодалаш бадиий тафаккур ҳақиқатига қанчалик ҳиёнат бўлса, “Шайтоннинг тангрига исёни” (Фитрат), “Жаннатга йўл” (А.Орипов) драматик дostonларидаги ижтимоий маънони “Донишқишлоқ латифалари” (Э.Воҳидов) ифодалаш шеърий туркумида ҳам шунчалик кулгили туюлади. Демак, сўз санъатининг барча тур (наsr, назм, драма) ва жанрлари ўзига хос специфик бадиий идрок ва ифода услубига эга экан.

Ҳатто, лирика жанрларининг ўзаро фарқланиши ҳам, юфорида кузатилганидек, йирик сўз санъаткорларининг ушбу жанрлардаги ҳамда поэтик шакллардаги изланишлари ҳам (биргина тўртлик мисолида) бири-бирига асло – ўхшамас экан. Демак, барчасининг бош омили, илдизи – бадиий тафаккур табиатига келиб туташади. Ҳар бир шоирнинг бадиий тафаккур тарзидаги индивидуалликдан сув ичади.

Шу жиҳатдан олганда, тўйда марсия куйи ижро этилмагандек, рубоийдан ғазалга хос поэтик идрок ва ифода хусусиятларини талаб

килолмаймиз. Ноҳақ бўлиб чиқамиз. Қасидадаги (айтайлик, “Ўзбегим”) кўтаринки пафос, патетик оҳанг монологдаги (“Мен нечун севаман Ўзбекистонни”) ифода услубидан кескин ажралиб туради. Ва ҳатто Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” билан А.Ориповнинг “Ўзбекистон” қасадалари ҳам бир мавзуга бағишланган, бир жанрда битилган бўлса-да, мавзуга ёндошиши, халқимизнинг олис ўтмиши, бугуни ва эртасини поэтик тадқиқ этишдаги тафаккур табиатига кўра кескин фарқланади. “Ўзбегим”да публицистик услуб етакчилик қилса, “Ўзбекистон”да эса, фалсафий-аналитик таҳлил усули устивор.

Демак, бадиий асар структурасидаги барча сифат ўзгаришлари, шу жумладан лирика жанрлари ва поэтик шакллар таркибидаги янгиланиш унсурлари ҳам алал-оқибатда ижтимоий воқелик, санъаткор шахси ва онгидунёқарашининг синтези бўлмиш бадиий тафаккур тарзига келиб боғланыпти. Умрзоқлик топяпти.

Кейинги йиллар адабиётшунослигида эпик (шеърый) ҳамда лирик жанрларнинг специфик хусусиятларини очишда асар ҳажмини муҳим бадиий компонент сифатида талқин қилиш тамойили кучайди. Мазкур нуқтаи назар шу жумладан айрим ўзбек олимларининг шеърый жанрлари таснифига оид ишларида тез-тез такрорланиб турибди. Бу борада, айниқса, адабий жараённинг ўзига хос ҳодисалари ва поэтик тажрибалар тарихийлиги, миллийлиги сингари ғоят муҳим хусусиятлар инобатга олинмаслиги эриш туюлади, албатта.

Лирик асарлар ғоят турфа хил кечинмалар, туйғулар, мушоҳадалар бойлиги билан ажралиб туради. Бу нарса, табиийки, шеърый маданиятимизда бадиий тафаккур типларининг хилма-хиллиги самарасидир. Лирика жанрлари ва поэтик шаклларнинг ғоят кўплиги, албатта, лирик қаҳрамонларнинг ҳар бир шеърда янгича фикрлаши, янги-янги бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий ғояларни илгари суриши маҳсулидир. Лирика жанрлари ҳамда поэтик шакллардаги қофияланиш тартиби, туроқлар

тузилиши, сюжет ва композицияси ранг-баранглиги ҳам ана шу бош омил билан характерланади.

Бугунги адабиётшуносликда шеърый жанрларни таснифлашда икки принципга амал қилиняпти. Бири – лириканинг анъанавий, тарихан шаклланган жанрларининг шакл ва мазмун хусусиятларини очиб бериш, ҳар бир тарихий тараққиёт босқичларидаги специфик ҳамда умумий-муштарак аломатларини текшириш (ғазал, рубоий, муҳаммас, мусаддас, мусамман, сонет ва ҳ.к.). Иккинчиси, лирик асарларни мавзу-проблематик жиҳатдан таснифлаш принципи. Шунга кўра, ижтимоий-сиёсий, тарихий, фалсафий-медитатив, севги-муҳаббат, пейзаж лирикаси тариқасида белгиланмоқда. Албатта, мазкур тасниф ҳам нисбий. Негаки, манзара шеърларида фалсафийлик белгилари, интим-севги шеърларида ватанпарварлик, гражданлик туйғулари уйғунлашиб кетади, қоришиқ ҳолда учрайди. Аслида ҳар бир шеърдаги етакчи бадий-эстетик мазмун устиворлиги ҳал этувчи аҳамиятга эга. Бу нарса лирик асарларнинг жанр хусусиятларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Немис мутафаккири Гегель “Лириканинг умумий тавсифи” тадқиқотида лириканинг специфик белгиларини шоирнинг предметга муносабати ва шу жараёнда туғилган субъектив туйғулар мазмуни, кечинмалар фикри лирик эътирофнинг, шу жумладан лирика жанрлари ва поэтик шакллар хилма-хиллигини юзага келтиришлигини алоҳида таъкидлайди. Тасвир предмети, субъектив дунё ҳамда мушоҳада объективлиги – туйғу-кечинмалар ҳаётининг инсон тириклигидаги сингари ғоят турфа кўринишларда намоён бўлишини асослайди. Кейинчалик В.Г. Белинский ҳам “Поэзиянинг жинс ва хилларга бўлиниши” асарида Гегелнинг назарий концепциясига суянади. Мутафаккир Гегель “Лирик асарларнинг турфа хиллари, жанрлари ва шакллари тўғридан-тўғри бадий мазмуннинг моҳиятига, унинг намоён бўлиш тарҳига бевосита даҳлдор”³, дея алоҳида таъкидлайди.

³ Гегель. Соченения. Лекции по эстетике. Т. XIV. ГИХЛ, М, 1958, с.320.

Олам ва одамни бадиий-эстетик идрок ва ифода этишдаги янгича нуқтаи назарлар, янгича қарашлар, бир сўз билан айтганда, воқеликни янгича фалсафий-эстетик ўзлаштириш, табиийки, санъатда янги йўналишларни вужудга келтиради. Бу нарсa, албатта, бадиий тафаккур маданиятидаги янгича фикрлаш тамойиллари самарасидир. Бадиий тафаккур табиатидаги мазкур сифат ўзгаришлари кейинги йиллар лирикамиз жанр системасини Шарқ ва европа адабиётидан, жаҳон шеъриятидан ўзлаштирилган поэтик жанр ва шеърӣй шакллар ҳисобига бениҳоя кенгайтириб юборди.

Кейинги йилларда адабий истеъмолдан кенг ўрин олган қасида, элегия, марсия, ғазал, сонет, рубоӣй, хокку, танка, октава, триолет, фард, туюк, муҳаммас, мусаддас, мусамман сингари лирика жанрлари ҳамда иккилик, учлик, тўртлик, олтилик, саккизлик, ўнлик ва ҳ.к. поэтик шакллар хилма-хиллиги табиийки, лирикамизнинг мавзу-проблемалар канораси кенгайганлиги, нигоҳи теранлашиб бораётганлиги мевасидир. Публицистик лирика, фалсафий-мадитатив лирика, пейзаж лирикаси (уни гоҳ табиат, гоҳ манзара лирикаси деб аташ ҳам илмда расм бўлган), ижтимоӣй-сиёсий лирика, ишқ-муҳаббат лирикаси таризда таснифланаётир. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, ҳар бир шеърда шоирнинг воқелик тақозосига кўра юзага келган эмоционал ва интеллектуал жамғармасини ифодалаш учун мазмунга муносиб шакллар тақозо этади.

Кейинги йиллар лирикамизда бағишлов, мадҳия, бадеҳа учлик, тўртлик, саккизлик, шеърӣй туркум, шеърӣй ҳикоя сингари поэтик шаклларда ранг-баранг изланишлар олиб борилаётган экан, бу нарсa лирикамиз жанрлари системасини янги формалар ҳисобига кенгайтириши, бойитиши эвазига содир бўлмоқда. Агар ушбу ҳодисани мавзу-проблемалар бўйича гуруҳларга ажратадиган бўлсак, улуг тарихий шахслар ва олис ўтмиш воқелигига, ҳамда шахс эрки, миллат ҳуррияти, она Ватан мустақиллигига бағишланган бадиият намуналари, диний-ахлоқӣй мавзу-масалалардаги изланишлар алоҳида саҳифани ташкил этади. Фольклор образларига, эртак ва афсоналар, ривоятлар сюжетиға таяниб яратилган шеърлар ҳам алоҳида силсиладан

иборат. Бугунги лирикамизда ассоциатив-тахайюллар ва рамзлар асосига курилган ижтимоий-фалсафий ҳамда публицистик-аналитик тафаккур кўринишлари (типлари) тақозоси билан юзага келган ижодий изланишлар самараларидир.

Шу маънода, айтиш мумкинки, лирика жанрлари – бу ёлғиз муайян кечинмалар маъноси ва фикрчан ҳис-туйғуларни ифодаловчи қатъий поэтик шаклларгина эмас. Ҳар бир даврда ижтимоий воқеликнинг моҳияти, йирик сўз санъаткорларининг онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар табиийки, жанрлар табиатига сезиларли ички структура ўзгаришлари олиб киради. Адабиётнинг у ёки бу ривожланиш босқичида баъзи жанрларнинг гуркираб ўсиши, гўзал намуналар бериши ва аксинча, баъзи шаклларда лирикамиз тарихини ташкил этувчи бадиий баркамол намуналар яратилмаслиги, адабий истеъмолдан тушиб қолиши поэтик жараённинг табиий ва қонуний бир ҳодисаси сифатида кузатилади. Лирика жанрлари ва поэтик шаклларнинг муайян бир ўн йилликлар оралиғидаги динамикаси ёхуд юз йилликлар бадалидаги эволюцияси, бир қадар ўсиш-сусайиши сингари ҳодисалар бевосита адабий тажрибалар билан, ижтимоий воқеликдаги ҳамда шахс онги ва руҳиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ кечадиган жараёндир.

Шу маънода, XX асрнинг 60-70-йиллари шеъриятида айниқса ғазал, тўртлик, фард, мухаммас, мусаддас, мусамман, рубоий, шеърӣ туркум, шеърӣ ҳикоя ва ҳ.к. қайта жонланган, лирикамиз тарихини бойитувчи гўзал намуналар яратилди. Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони”, Ҳабибий, С.Абдулла, Чустийнинг ғазалчиликдаги изланишларини, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Тоҳир Қаҳҳор ғазаллари ва муҳаммасларини, Шухратнинг шеърӣ туркумларини таъкидлаш жоиз. 70-йиллар охири ва 80-йилларда эса сарбастдаги учлик, тўртлик, олтилик, саккизлик сингари кичик миниатюра асарларнинг ижтимоий -фалсафий салмоқдорлиги ҳамда бадиий-эстетик савиясининг юқорилиги лирика жанрлари ва поэтик шакллар динамикасида алоҳида бир босқични ташкил этади.

Хусусан, шеъриятимизнинг тараққиёт тарихида Шайхзода рубойлари, Миртемир сочмалари, А.Мухтор миниатюралари, Эркин Воҳидов олтиликлари, Рауф Парфи сонетлари, хоккулари ва танкалари, Жамол Камол саккизликлари, Абдулла Орипов ўн иккиликлари, Омон Матжоннинг насрдаги назмлари, Толиб Йўлдош тўртликлари, Тохир Қаҳҳорнинг остсарлавҳали олтиликлари, ўнликлари ва ҳ.к. поэтик тажрибалар лирика жанрлари ва поэтик шакллар хилма-хиллиги борасида алоҳида ёруғ саҳифани ташкил этади. Яна, шунингдек, ҳаёт материали ва шоирларнинг бадиий тафаккур тарзи тақозоси билан намоён бўлган поэтик шакллар хилма-хиллигининг такомил йўналишларини ҳам акс эттиради.

Жаҳон адабиёти тажрибаларида кузатилганидек, Навоий лирикаси, Фузулий ғазаллари, Бобур рубойлари, Петрарка ва Шекспир сонетлари, Байроннинг ўнлик шаклига қурилган поэмалари, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд рубойлари, Рудакий фардлари ва ҳ.к. дея кўп бор таъкидлаймиз. Шу таҳлит ифодалар улкан сўз санъаткорлари қайта-қайта мурожаат этган лирика жанрлари такомил билан онгимизда шаклланган ижодий тажрибалари яхлит уйғунликда зоҳир бўлади.

Лирика жанрлари ва поэтик шакллар табиатида кечадиган муттасил сифат ўзгаришлари унинг “ўзгармас” қонуниятидир. Тўғри, поэтик шакллар – бу чўпоннинг хурмачаси ёки мешкобчининг сув тўрваси эмас. Фард – икки, рубой – тўрт, сонет – ўн тўрт сатрдан иборат. Ана шу санокли сатрлар бағридаги мазмун теранлиги, ҳар бир мисра зиммасидаги янги-янги ижтимоий-фалсафий маънолар ҳар бир лирика жанри ва поэтик шакллар структурасидаги сифат ўзгаришлари табиатини белгилаб беради. У ёки бу жанр, поэтик шакл динамикаси ҳақида гап кетгудек бўлса, у нафақат новаторлик, шу билан баробар, бадиий анъаналарнинг табиати ва моҳиятини ҳам ўз ичига олади. Биргина XX аср лирикамиз жанрлари ва поэтик шакллар динамикасига сирtdан назар ташласак, улар ҳар бир босқичдаги ижтимоий воқеликнинг характеридан воқиф этиши билан баробар, яна бир-биридан

анча йироқ бўлган бадииятларнинг такомил босқичларидан ҳам бохабар қилади.

Лирика жанрлари ва поэтик шакллар ҳам адабиёт-санъатнинг барча тур ва жанрлари қатори у ёки бу миллий маданиятларнинг хусусий мулки эмас. Аксинча ўзаро ҳамкор ва ҳамнафас, доимо бир-бири билан алоқада, ўзаро таъсир ва акс таъсирланиш жараёнида кечган адабиётларнинг барчаси учун хос бўлган бадиий ифода шакллари дир.

Адабиётларнинг бир-бирига таъсири – жанрлар ва бадиий шакллар орқали кечади. Европа поэмачилиги тарихисиз, хусусан Гёте, Шиллер, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Некрасов поэмаларининг таъсирисиз, Ойбек (“Ўч”, “Бахтигул ва Соғиндик”, “Темирчи Жўра”), Ҳ.Олимжон (“Зайнаб ва Омон”, “Ойгул билан Бахтиёр”), М.Али (“Машраб”, “Гумбаздаги нур” ва ҳ.к.) ва бошқа қатор шоирлар изланишларини, XX аср ўзбек достончилигининг такомил босқичларини тасаввур қилиш мумкин эмас. Ёхуд Абдулла Қодирий романларисиз (“Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”) туркий халқларнинг наср маданияти, романчилиги тараққиёти кемтик бўлиб қолади. Шу жумладан, лирика жанрлари ва поэтик шакллар ҳам ҳар бир адабий жараёндаги у ёки бу адабий йўналишнинг муштарак, умумий ғоявий-эстетик принципларини ҳамда уларнинг муайян адабиётларда бетакрор, ўзига хос тарзда намоён бўлишини кўрсатади.

Шу боисдан ҳам ҳар бир лирика жанри ва поэтик шакллар ҳаётини ўрганиш у ҳақдаги тасаввурларимизни ҳамда ўша жанрда ёзилган асарлар тўғрисидаги билимларимизни кенгайтиради. Шу билан баробар адабий жараённинг муҳим ҳодисаларидан воқиф этади. Хусусан, бадиият эволюциясининг қонуниятлари тўғрисида, анъана ва новаторлик, адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бириларига таъсири ҳақида, ҳар бир йирик сўз санъаткорининг ижодий қиёфаси хусусида фикримизни, билимларимизни бойитади. Булар, албатта, лирика жанрлари ва поэтик шакллар табиатини ўрганишдан ҳосил бўлган самаралар дир.

Яна, ҳар бир жанрнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини аниқлаш ҳамда ўзига хос специфик хусусиятларини ёритиш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам бор. Хусусан, асар ҳажми муҳим бадиий компонент сифатида кўрсатилаётган нуқтаи назарларга эътибор берсак. Ўн-ўн икки сатрли шеър билан 20-30 бандлик монолог типдаги асарларни қандай фарқлаш мумкин? Айтайлик, А.Ориповнинг “Онажон” марсияси билан Миртемирнинг “Онагинам” бағишлов шеърининг жанр ва поэтик шакл нуқтаи назаридан фарқли ҳамда муштарак жиҳатлари нимада? Ёки, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари билан Максуд Шайхзода, Абдулла Орипов рубоийлари ўртасидаги фарқ қандай белгиларда намоён бўлади?

Демак, лирика жанрлари ва поэтик шакллар такомили ижтимоий воқелик, ҳаёт материалига ёндошиш, сўз санъаткорининг бадиий-эстетик нияти, тафаккур тарзи тақозоси билан ҳосил бўладиган ижодий изланиш самарсидир. Улар табиатида кечадиган ички структура ўзгаришлари ҳам табиат – жамият – инсоннинг ўзаро алоқалари самарасида юзага келадиган туйғу-кечинмалар мазмуни, тафаккур салмоғи билан белгиланади. Бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий умумлашма фикрлар мазмуни лирика жанрлари қатори поэтик шакллар табиатида содир бўладиган ички структура ўзгаришларининг туб асосидир.

II БОБ

ТЎРТЛИКЛАРДА БАДИИЙ ТАФАККУР ТАРЗИ ВА ИЖОДКОР ИНДИВИДУАЛЛИГИ

Кеча ёки бугунга келиб эмас, азал-азалдан тўртликлар ўзбек шеърияти тараққиётида етакчи поэтик шакллардан бири бўлиб келди ва келмоқда. XX аср шеъриятимиз ривожланишида, мустақиллик даври бадиий-эстетик тафаккур такомилда ҳам тўртлик намуналари алоҳида ўрин тутди. Хусусан, XX аср охири – XXI аср бошлари шеъриятимиз тараққиётида Шухрат, Аскад Мухтор, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Толиб Йўлдош, Жамол Камол, Маъруф Жалил, Машраб Бобоев, Муҳаммад Али ва ҳ.к. шоирларимиз тўртликлардан иборат туркумлар эълон қилишди.

Хўп, тўртликнинг ўзи нима? Қандай хусусиятлар тўртлик табиатини белгилаб беради? “Тўртлик – жаҳон халқлари шеъриятидаги энг машҳур, кўп қўлланиладиган шеърий шакл ҳисобланади. Аксарият, **аавв**, **авав**, **авва** ва Шарқ шеъриятида эса, **аава** тарзидаги қофияланиш тартибига эга. Ҳижолари, вазни турлича; кўпинча тўққиз, ўн бир бўғинли бўлади”.

Ўзбек илмий манбалари ушбу таърифларни Шарқ шеъриятининг бадиий-эстетик тажрибаларидан келиб чиқиб, атрофлича тўлдиради. Хусусан, “Тўртлик – тўрт мисрадан иборат мустақил шеърий асар. Тўртликнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, у дастлаб фольклорда пайдо бўлган. Ўзбек халқ қўшиқларининг мустақил тўртликлар сифатида яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Тўртликлар рубоийдан ўзининг шаклий ҳамда мазмуний жиҳатлари билан фарқланади. Тўртликнинг мавзу доираси кенг бўлиб, уларда турли ҳаётий воқеалар акс эттирилиши мумкин... Тўртликда ижодкорнинг бирор ҳаётий воқелик ҳақидаги таассурот ва хулосалари лўнда, поэтик ифодаланади”.

“Тўртлик – шеърнинг кенг тарқалган банд тузилишидан бири бўлиб, унда биринчи мисра билан учинчи, иккинчи мисра билан тўртинчи мисралар қофияланади. Шарқ поэзиясида тўртликнинг ўзига хос тури рубоийдир.

Рубоий форс-тожик поэзиясида дубайт (икки байт) деб ҳам юритилади”.⁴ Демак, ҳар қандай тўрт сатр тўртлик бўлавермагани сингари ҳамма тўртликлар ҳам рубоий эмас экан. Англашиляптики, тўртлик билан рубоий шаклий ҳамда мазмуний хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Хусусан, шаклий – қофияланиш тартибига кўра аксарият тўртликлар одатда **аавв**, **авав**, **авва** тарзида тугаллик касб этса, рубоийлар **аава**, **аааа** шаклида қофияланиб, мухтасар мукамалликка эга бўлади. **аааа** шаклида қофияланган рубоийларни таронаи рубоий деб аталади.

Рубоийлардаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, фалсафий-дидактик мазмун кўламдорлиги ҳамда теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боисдан рубоий мавзу-проблемаларга ёндошиш ҳамда ёритишдаги ғоявий-бадий мундарижасига эга бўлган мустақил лирик асар ҳисобланади. Кўрамизки, ҳаёт материалини бадий-эстетик жиҳатдан ёритиш, умумлаштириш хусусиятларига кўра шаклий белгилари (**аабб**, **авав**, **авва** қофияланиш тартиби) ҳамда мазмундорлиги жиҳатидан тўртликлар ҳам алоҳида шеърий шакл тариқасида поэзиямиз тараққиёт тарихида мумтоз ўрин тутиб келаётир.

Демак, Шарқ поэзиясида кенг тарқалган рубоий халқ шеъриятидаги тўртликлардан шаклий асос олган бўлиб, ўз темаси ва ғоясига, барқарор жанр хусусиятларига, кичик шеърий шаклга эга бўлган мустақил ва мукамал асардир

Демак, фикрий шеъриятнинг етакчи шаклларида бўлган тўртликларда қалб сабоқлари, фикр-мушоҳадалар ҳаёти, туйғулар моҳияти, кечинмалар ҳикмати етакчилик қилади. Ушбу жараёнда яна бир нозик ҳолат борки, у фикрий шеъриятнинг специфик хусусиятини нурлантириб юборади. Хусусан, воқелик таъсирида юзага келган ҳис-туйғуларни қайтадан идрок этиш, қайтадан тафаккур элагидан ўтказиш жараёнида туғилган ўйлар-мушоҳадалар муайян мазмун касб этади. Ўз навбатида у яна ўқувчи кўнглида

⁴ Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. Адабиётшунослик терминлари луғати. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1967, 231-бет.

хам маънодор кечинмаларни юзага келтиради. Бу борада шоирнинг бадиий тафаккур тарзи муҳим, ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳаётнинг хайратли бир ишига бок:
Сигиру илонга макон бир ўтлоқ.
Бир ўтдан шум илон ясайди заҳар,
Шу ўтдан сигир-чи, оппоқ сут-қаймоқ.⁵

Шухрат ўз тўртликларининг табиати ҳақида шундай ёзади: “Ёзувчи... бошқалардан фарқли ўлароқ ҳаётни ижодкорга хос кўз билан кўради. Ижодкорга хос қалб билан ҳис этади. Наинки ҳаётни ўзига хос кўради ва ижод этади, ҳатто уни ўзига хос йўл билан таҳлил қилади, ўз муносабатини билдиради, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашади. Шу таҳлил ва муносабатларининг тўғрилигига эса, кенг китобхон оммасини ишонтириши, унинг қалбини ҳаяжонга солиши, завқлантириши, эзгуликка меҳр, қабихликка қаҳр уйғотиши керак. Уни янги нурли чўққиларга чорлаши, юрагига куч-ғайрат бахш этиши лозим. Қабихликка қарши ўт очишга отлантириши керак.

Шеър эса, ана шу ижодкор ниятларини ифодалашда шаклга солинган ҳис-туйғу ва фикрлардир. Унинг ўз мусиқаси, қонун-қоидаси ва тартиботи бор... Тўртликдаги ихчамлик, фикрларни лўнда қилиб айтиш менга ёқиб қолди. Лекин булар рубоийлар эмас. Ҳамма тўртлик рубоий бўлавермаганидек, ҳамма рубоий ҳам тўртликдан юқори эмас! Мен рубоийнинг анъанавий қатъий шаклини сақлаб ўтирмадим, ўзимни эркинроқ тутиб, қофиялаш тартибини фикр-ҳиснинг оқиб келишига қараб тузавердим”. (4-бет).

Юқоридаги тўртликда кузатилгандек, Шухратнинг лирик қаҳрамони уммон тубига шўнғиган ғаввос мисоли ўз қалби қатимларига чуқур кириб боришга интилади; кечинмаларнинг юзага келиш омиллари, фикрлашга

⁵ Шухрат. Лирика. Тошкент, 1973, 179-бет (Кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси кўрсатилади).

ундаган ҳаёт хоссалари тўғрисида ҳиссий мушоҳадакорликка берилади. Ҳайрат – Муҳаббат – Ҳикмат Шухрат тўртликларидаги лирик қаҳрамоннинг фикрлаш тарзида таянч нуқталар ҳамда унинг ўзига ҳослигини очиб берувчи муҳим хусусиятлардан ҳисобланади.

Шухрат лирикасида қайси мавзуга мурожаат этмасин, ҳоҳ табиат, ёки севги-муҳаббатми, ҳоҳ Ватан меҳри ёки она юртга садоқатми, ҳоҳ умр-тириклик масъулиятими – барча-барчасида шартлилик мижозларга асосланган бадиий тафаккур тарзи индивидуал ўзига ҳослигини таъминлаган устивор фазилат сифатида бўй кўрсатади. Хусусан, шоир шеърларини яхлит бир концепция бирлаштириб туради. Яъни, олам ва одамнинг бирлиги ҳаётнинг гўзаллигини таъминлайди. Табиатсиз одамнинг тириклигию, инсонсиз табиатнинг мавжуд гўзаллиги ҳеч, деган фалсафий нуқтаи назар Шухрат тўртликларидан тортиб сюжетли шеърларигача бирлаштириб туради. Уларга тугаллик ва мукамаллик бағишлайди.

Агар юқоридаги тўртликка назар ташласак, лирик қаҳрамоннинг тафаккур тарзида оқилона, афористик, ибратли гап айтишга мойилликни пайқаш қийин эмас. Кенг, кўм-кўк ўтлоқ нафақат қурт-қумурсқага, ҳашоратларга, шу билан баробар турли хил жонзотларга ҳам ризқ-насиба, тўкинлик, маъмурлик манбаи. Лирик қаҳрамон ана шу турфа судралиб юрувчилар у жонзотлар орасидан илон ила сигирга диққатни қаратаётир. Хусусан, ўтлоқ, майсазор неъматидан илон ўзи учун заҳар ҳозирласа, сигир сут-қаймоқ етиштиради.

Агар, эътибор берсак, ҳар иккиси ҳам ўзининг яшаши учун, тириклигини давом эттириш учун муайян омил ҳозирлаяпти. Илон заҳри – инсон тушунчаси ва тасаввурида ўлим рамзи. Ва лекин, у аслида илоннинг ўзини-ўзи душманларидан муҳофаза қиладиган, тириклигини таъминлайдиган бир омил. Сигирнинг сут-қаймоғи ҳам шундай. У бузоқчаларини тўйинтиради, одамларга сутини бериб, тирикчилигининг давомийлигини таъминлаётир.

Алалхусус, заҳар ҳам, сут-қаймоқ ҳам илон билан сигир учун бу ёруғ очунда яшаш воситаси, кураш воситаси, ўз ҳаётининг давомийлигини

таъминлаш воситаси. Заҳарга ёвузлик маъноларини, сут-қаймоққа эса оқлик, бокиралик сифатларини юклаш эса инсон онги ва тасаввури билан, дунёқараши ва тушунчалари билан боғлиқликда зухур топаётган ҳодиса. Бу ҳали ҳаммаси муҳим эмас. Энг муҳими, тўртлик хотимасидаги бадий-эстетик хулосада, фикр қаймоғида. Бизни беғубор, маъсум ва тийран мушоҳадакорликка даъват этишида. Энг характерлиси, тўртликни ўқиб бўлгач, ўқувчи ҳаёлан инсон феъли-фаолиятига кўчади. Ёвиз ва олижаноб одамларнинг ҳаёт тарзи манзаралари, қилмиш-қидирмишлари кўз ўнгимизда бирма-бир жонлана боради. Нетонг, илонсифат одмлар ҳам бор, сигирмижозлари ҳам. Қай таҳлит маъно ўқиш ўқувчининг инон-ихтиёрида, маънавий савияси, эстетик дидида.

Хўш, шундай экан, Шухрат аввало шоирми ёки файласуфми, деган саволнинг туғилиши ҳам табиий. Шухратнинг шоирлигини мутафаккирона мушоҳадаларисиз тасаввур этиб бўлмагандек, ҳаёт ва тириклик хусусидаги файласуфона ўйларига поэтик тафаккури қанот бахш этади. Шуниси муҳимки, Шухрат шеърларида ўғитбозликка берилмайди. Тириклик шеваларию ҳаёт ташвишлари-қувончлари хусусида сирдошлар сингари ўқувчи билан кўнглидагини бўлишади. Ҳамроз дўстлар сингари суҳбатлашади, дардлашади.

Шу маънода, аксарият шеърлари хотимасида умумлашма тариқасида айтилган фикрлар панд-насихатга мойилдек таассурот қолдириши мумкин. Лекин улар ахлоқий, ижтимоий, фалсафий мазмуни билан шоирнинг узок йиллик ҳаёти сабоқларининг муайян ҳосилаларидир. Интеллектуал ҳамда эмоционал ҳаёти тажрибаларининг маълум шаклга кирган синтезидир. Шу боисдан ҳам улар дидактик схемалардан юқори туради, бизни фикран бойитади.

Тоғда сув ҳамиша тиниқ ва тоза,
Мен лойқа кўраман уни қуйида.
Дўстларим қарангиз, қайси бемаза,

Шухратнинг тўртликларида поэтик индивидуаллиги учун хос бўлган бадий усуллардан бири – бу аввало ҳаёт хоссаларининг характерли жиҳатларини очиб берувчи манзара яратишдан иборат. Яъни, фикр парвози учун олдин майдон ҳозирлаб олади; Сўнгра одамларни интеллектуал бойитишга қаратилган маъноли умумлашма-хулосалари билан фикрга канот бахш этади.

Мазкур тўртликда ифодаланган манзара маъносини шархлаш шарт эмас. Ахир, ўзимиз шу ариқдан сув ичамизку. Қайси бетавфиклар, бемаза одамлар ариқ бўйларига жойлашиб олиб, сувни булғатаяпти, демоқчи лирик қаҳрамон. Сувнинг тозаллиги одамлар покизаллигининг белгиси, маънан комиллигининг аломатларидан бири, деган ижтимоий-бадий ғоя илгари сурилаётир. Кўринадикки, шоир қачонки у ёки бу воқелик жараёнлари хусусида хабар қилмасдан мушоҳада юритса, панд-насихат қилмасдан ҳаёт хоссалари тўғрисида фикр-ўйларга чўмдирса, сидқидилдан суҳбатлашса, табиат ҳолатлари, картиналари шунчаки нусха кўчириш эмас, аксинча ҳаёт ҳикматини, инсон тирикчилигининг фалсафасини акс эттиришга қаратилган поэтик мазмун касб этаркан; шоирона донолик намунасига айланар экан.

Шу маънода Шухрат лирикасида фалсафий лириканинг муҳим жиҳатларини намоён этувчи оқилона донолик афоризм даражасидаги фикрий теранлик, фикрий бўлиқлик муҳим фазилат касб этган. Зеро, табиат ранглари ҳамда манзаралари ўқувчи онги-тафаккурида шаклланган рамзли маънолари билан зуҳур топади. Хусусан, юқоридаги тўртликда кузатилганидек, шоирнинг эстетик идеали билан турмуш реалликлари ўртасидаги номувофиқлик лирик қаҳрамон фикрлаш тарзидаги мушоҳадакорликни ҳам, шеърнинг конфликти кўринишини ҳам, композицион тузилишини ҳам, тушунча-тасаввурлар зиддиятини ҳам таъминлаётир.

Кўринадикки, Шухрат тўртлигида ҳиссий-поэтик идрок рационалликдан, мушоҳадакорликдан устун. Табиат образлари шоир шеърларида ўз

кечинмалари билан бирга яшайди. Шу жиҳатдан, айтиш мумкинки, табиатни фалсафий йўсинда идрок этиш оламни ва одамни тушуниш ҳамда тушунтиришнинг асосини ташкил этади.

Бошқа шоирларимизнинг бадий изланишларида ҳам, айтилик Миртемир ёки Зулфиями, Асқад Мухтор ёки Шукрулломи, Абдулла Орипов ёки Рауф Парфими, барчасида табиат ҳаёти, табиат манзаралари муҳим ўрин тутди. Шу ўринда биргина Асқад Мухтор миниатюраларидаги табиат образларини эслайдиган бўлсак, уларни шоир ўз эстетик идеали нуқтаи назаридан жонлантиради. Яъни, бошқача айтганда, табиат образлари одамларга ўхшаб фикрлайди, шодон ёки тушкун кайфиятларга берилади, кулади ёки йиғлайди.

Энди, Шухрат талқинида эса табиат ўзгача маънодорлик ва моҳият касб этади. Хусусан, ўзи кўрган ва ҳис этган табиатнинг жозиб гўзалликларини ҳаёлидаги, идеалидаги мазмунли манзаралар тариқасида эмас, аксинча, табиат ҳаётининг ҳақиқатлари сифатида қабул қилади. Ва бу нарса шоирнинг поэтик онги ва идроки, бадий тафаккур тарзининг ўзига хос муҳим хусусиятига айланади. Табиатнинг моддий ва маънавий ҳаёти манзараларига шоирона тасаввур кучи билан эмас, объектив воқеликнинг кундалик ва холис, табиий кўринишлари сифатида қарайди. Ана шу ишончи ва эътиқодидан келиб чиқиб, мазкур ҳолатларга монанд ижтимоий ҳаёт маъноларини кўради. Табиат ҳаёти ва гўзалликлари билан ижтимоий воқелик ўртасида, инсон феъли-фаолияти ўртасида яқинлик излайди, топади ва файласуфона ўйлари билан улардан муайян сабоқлар, маънолар топади.

Мўридан буралиб чиққан тутунлар,
Булутга ўхшашни ҳавас этади.
Ёмғирга айланмай кўкда тутилар,
Ер узра қайтолмай ёқа йиртади.⁶

⁶ Шухрат. Шайдо кўнгил. Шеърлар. Тошкент, 1979, 142-бет. (Кейинги мисолларда шу нашр кўрсатилади).

ёки,

Ўт ёқдинг кул бўлди. Шамол келди-да,
Кўкларга совуриб кетди ногаҳон.
Аслида ўт ўзин қурбон қилди-да,
Сен эса совукдан асраб қолдинг жон. (140-бет)

ёки

Гумбурлаб сел келди, кўлоб-кўлоб сув,
Сичқонлар тирқираб, итлар ҳуларди.
Фақат бир қурбақа билмасдан қўрқув,
Кўлобда қувониб сузиб юларди. (141-бет)

Мазкур тўртликларда Шухратнинг бадий тафаккур табиатини характерловчи нозик ҳолатлар бор. Хусусан, биринчи тўртликда табиат манзараси объектив кузатиляпти. Мўрилардан турқсиб чиққан қоп-қора тутун булутларга ўхшаб осмон кенгликларига интилади; бекарон осмон худудларини тўлдириб юргиси келади. Қоп-қора тутунларнинг ҳаёли чексиз. Лекин, нетонгки, осмон тутунларни ўз бағрига қабул қилмади. Ўрлай деса кўкка ҳам, ерга қайтиб тўхтай деса, қайтишга ҳам йўл йўқ. Осмон билан ер орасида оросатда қолган тутунлар ёқасини йиртгудек ёзғиради.

Ушбу тўртликда кузатилганидек, табиат хоссалари ўзининг маънавий ҳаёти билан узвий бирликда зоҳир бўлаётир. Яъни, шоир табиат манзарасидан нусха кўчираётгани йўқ, аксинча бир-икки детал билан одамларнинг маънавиятига даҳлдор маъноли манзара яратаётир. Ўтинми, кўмирми, латта-лаҳтакми – ёнганда буралиб-буралиб кўк тоқига интилган тутунни кўп кўрганмиз. Лекин унга оросатда қолган одамларнинг тушган ҳолати мазмунини бериш мумкинлигини ёлғиз Шухрат тўртлигидан англаяпмиз.

Демак, Шухрат тўртликларида бадий тафаккур тарзи учун хос бўлган муҳим фазилатлардан бири шунда эканки, табиат ҳодисалари ўзининг

маънавий ҳаёти билан бирга туғилаётир. Ундан муайян мазмун топиш эса ўқувчининг инон-ихтиёрига, фикрий сажиясига қолдирилмоқда.

Иккинчи хусусият шундаки, кейинги икки тўртликдаги лавҳалардан аён бўлишича, табиат воқеа-ҳодисаларига инсоний хислат-хусусиятлар юктирилади. Ўтин ёнганда ёки оловга айланганда одамларни иситаман, уни совукдан-ўлимдан асраб қоламан, деб ҳеч қачон ўйламайди. Фикрлаш – одамларга хос хусусият. Дарахт шох-шаббалари, бутоклари тилсиз, гунг. Инсон ўз кайфиятига мослаб гапиртиради. Ҳиссий идроки ва ҳолатига мос равишда ташқи объектив реаллик хоссаларига тил ато қилади. Уларнинг сўзлаши, фикрлаши, муносабат билдириши жараёнида одамлар тириклигига асқотадиган ибратли маънолар лирик қаҳрамон кузатишларидан сизиб чиқади.

Тўғри, лойқа-бўтана сел ваҳимасидан атроф-теварақдаги тирик жонзот кўрқувга, даҳшатга тушади. Маъраган сигирлар, бўкирган бузоқлар, чанг-тўзонга беланган қўй-қўзилар ўзини тепаликларга уради. Қий-чувга ботган қушлар дарахт учларига тизилиб вижир-вижир сўзлашади. Ёлғиз қурбақа кўрқув нималигини билмасдан бўтана кўлоб сувда роҳатланиб сузиб юради. Осмон кенгликларини, тоғ чўққиларини бургиту лочинлар қанчалик севса, халқоб бўтана сувни итбаликлару қурбақалар ҳам шунчалик хуш кўради. Лекин девор ковакларини маъқул кўрган қурбақа учун халқоб-ҳалқоб бўтаналар ҳам қадрдон экан.

Шуниси характерлики, айти шу ҳолатда қурбақа учун сел қутқусидан кўрқиб ёки кўрқмаслик, роҳатли ёки таҳликали сузиб юриш ҳиссиётлари ёт нарсас. Унга мазкур инсоний ҳис-туйғуни лирик қаҳрамон тушунчаси ато этипти. Демак, одамларга хос жонли, маънавий ҳаёт кўринишлари Шухрат тўртликларида бадиий усул тарзида эмас, шоир руҳиятининг, онги-идрокининг поэтик ифодаси сифатида воқиф бўлаяпти.

Биринчи тўртликдаги тутун, иккинчи тўртликдаги ўт-олов, учинчи тўртликдаги қурбақа метофоралари зиммасига юкланаётган мажозий маънолар шеърнинг композицион асосини белгилаяпти. Метафораларга

курулган услуб Шухрат тўртликларида бадий тафаккурнинг таркибий бир қисми сифатида зоҳир бўлаяпти.

Мазкур композицион бичим Шухрат тўртликларининг деярли барчаси учун хос хусусиятга айланган. Шоирнинг “...шеърлари камсўз, пойдор, халқчил доноликка мойил... китобларининг катта қисмини кичик жанрдаги лирик мулоҳазалар, саккизликлар, тўртликлар ташкил этади, – деб ёзади мутафаккир адиб Асқад Мухтор. – Ихчам, афористик ифодага интилиш, умр мазмуни, одамнинг ҳаётдаги ўрни, изи, ёшлик, кексалик, вақт ва мангулик ҳақидаги фикр ҳамда ҳаётини тажрибаларни айтиб олишга ҳаракат қилиш унинг бутун ижодига поэтик бир ўйчанлик руҳини бағишлайди. Поэзиянинг бу турида ишлашнинг ўз қийинчиликлари бор. Унда шоирни ҳар қадамда дидактикага, насихатгўйликка берилиб кетиш ҳавфи пойлаб туради”.⁷ Лекин Шухрат аксарият изланишларида ана шу кемтиликни четлаб ўтади. Фикрлардан сизиб чиққан кечинмалар манзарали, картинали. Ана шу лавҳаларда ҳис-туйғуларга йўғрилган фикр-ўйлар динамикаси афористик ҳулосаларга халқона оқиллик бағишлайди.

Қор узра қолибди турли-турли из.

Мана бу ит изи, мана бу арслон.

Мана бу тулкидан, мана бу тўнғиз,

Бу ердан ўтибди мағрур бир инсон. (136-бет)

Манзарали кечинмалар лавҳасида шоир фикрлари кенг палак ёзиб юборади. У майсаю ўт-ўланлар билан, шамолу момоқалдиروқлар билан, ер тубидаги илдизлару кўк тоқини беаган юлдузлар билан самимий суҳбатга берилади. Мазкур омил шоир шеърларидаги табиат тасвирининг ҳаётининг асослайди. Шу боисдан ҳам Шухрат фақат ўзининг меҳри тушган, кўнгилида муҳаббат уйғотган, ҳикматли ўйлар туғдирган табиат хоссалари тўғрисида ёзишни яхши кўради.

⁷ Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. Мақолалар, суҳбатлар. Тошкент, 1980, 63-бет.

Шухратнинг табиат лирикасида фақат бўёқлар эмас, фикрчан кечинмалар ҳам тадрижий такомили билан намоён бўлади. Табиат ходисалари ботиний маънолари ва зоҳирий ранглари билан жилоланади. Шу боисдан ҳам шоир табиат лавҳаларининг турфа ҳолатлари билан сўзлашишни, улар хусусида мушоҳада юритишни маъқул кўради. Юқоридаги тўртликда қор сатҳида қолган изларнинг ҳар бир “муҳрини”, кадамини кузатади. Изларнинг ҳар бир ҳолатдаги одимлари маъносини уқади. Ит, тўнғиз, арслон, тулки ва инсон излари ташиган ибратли фикр тадрижий тўртликнинг сюжет-композицион бичими метофора асосига қурилганлигини кўрсатади. Шу таҳлит метофорик конструкция Шухрат тўртликларининг ўзига хос хусусиятини, шоир ҳикматларининг индивидуаллигини асослайди.

“Излар” сўзи ҳар гал такрорлаганда бадий фикр тадрижининг янги ҳолатларини, ўзига хос маъно қирраларини очиб боради. Ва энг муҳими, табиатидаги бўёқлар ўзгариши вақтнинг ҳам собит ва муқим эмаслигидан, инсон феъли-фаолияти билан баробар атроф-теварагидаги объектив реаллик кўринишлари ҳам ҳамиша тусланиб, товланиб, ўзгариб туришлигидан, турфа хил мазмун касб эта боришлигидан далолат беради.

Мазкур тўртликда ҳам фикр динамикаси билан туйғулар такомилининг бош омили – бу сўзлар такрорида, рефрен сифатида такрорланиб келаётган сўзларнинг янги-янги маъно қирраларини ифода этишида. Сўзлар такрори фақат сюжет-композициянинг мустақиллигини таъминловчи бадий вазифадан ташқари ижтимоий, фалсафий, ёхуд ахлоқий мазмунни ёритишга қаратилган. Шу таҳлит сўзларнинг ҳар гал такрорланиб ҳамда янгича маъноларда жилоланиб келиши жараёнида воқеа-ҳодисалар табиатидаги муттасил ҳатти-ҳаракатни кўрсатади. Энг муҳими, мазкур тасвир орқали юзага келган кечинма мушоҳадаларнинг мустақил ҳаётидан, динамикасидан воқиф этади.

Маълумки, аравага автомобил моторини, машинага реактив двигателни ўрнатган билан осмонга кўтарилиб бўлмайди. Кўкка парвоз этиш мумкин эмас. Шунга монанд, ҳар бир шеър қайси жанрда яратилишидан қатъий

назар, ўзига хос сюжет-композицияси, лирик қаҳрамоннинг тафаккур тарзи, бадиий ғоя тадрижи, мусикийлиги, оҳанглар гармонияси жихатидан бири-биридан ажралиб туради.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар бир шеърдаги бадиий ғоя фикрнинг динамикаси ўзига хос оҳанги билан бирга юзага келади. Ўзаро омукталикда яшайди. Бу нарса, худди марсия мазмунини лапар куйида, мадҳия оҳангида ашула қилиб айтиш мумкин бўлмагани каби. Акс ҳолда бадиий-эстетик бутунликка раҳна солади. Шу маънода, ҳар бир шеърнинг ўз тили, бадиий мантики, илгари сурган ёки олқаган муайян маъноси, ўзига хос мусикий оҳангдорлиги бўлади. Йўкса, сатрлар фикр-эҳтирос уйғунлигидан иборат яқдил бир вужуд эмас, қурқшаган бир ховуч сўзлар йиғиндисига айланиб қолади.

Шуҳратнинг табиат лирикасида ҳар бир сатрдаги тугал фикр ўз мусиқаси билан туғилади. Оҳанглар шунчаки бир-бирини тўлдириб, кучайтириб ёки бир-бирига бўлиқлик бағишлабгина қолмайди. Ҳийла сусайиш ёки ҳиёл баланд пардаларда жаранглаши асносида сўзлар такрори ички бир зарурият, ботиний қонуният эҳтиёжи асосида юзага келади. Ушбу жараёнда мусикийлик пардаларининг сусайиши ёки кўтарилиши (“Қор узра қолибди турли-турли из” тўртлигида кузатилганидек), бир мавзунинг рангин қирраларини очишга хизмат қилади. Сўзларнинг оҳангдор уйғунлиги табиатнинг муайян лавҳасини кўз ўнгимизда жонлантиради. Шу боисдан ҳам Шуҳратнинг табиат лирикасида тасвир этилаётган ҳолат ёки лавҳагина эмас, шунингдек ифода объекти ҳам ўз ҳаёти билан, ҳарорати ва мусиқаси билан бирга яшайди.

Табиат “аҳолиси” – дов-дарахтлар, ўт-ўланлар, тоғу ўнгирлар, қушлар, ҳайвонлар, ҳашоратлар ва ҳ.к. шоир лирикасида ўз турмуш тарзи билан яшайди, дедик. Шу нарсани пайқаш мумкинки, Шуҳрат лирикасида капалакларнинг учишидан тортиб, сор бургутларнинг шиддаткор қанот қоқишигача, булбулларнинг сайрашидан бошлаб мажнунтолларнинг шивир-шивиригача, қиёқ майсаларнинг қиқирлаб кулишидан тортиб салобатли,

пурвикор чинорларнинг хаёлга чўмишигача, довкур шовуллашигача эшитилиб, кўриниб, ҳис этиб турилади.

Мен кўрдим: бургутга агар ўқ тегса,
Сўнгги бор талпинар яна фалакка,
Илон-чи, йўлида шарпа йўликса,
Ўрмалаб қочади нурсиз кавакка. (139-бет)

Бир тўртликда табиат жонзотлари ҳаётидан икки лавҳа акс этган. Бургутнинг ўлими олдидан осмону фалакка тик кўтарилиб кетиши ва юксак-юксакларда бир зум тин олиб қотиб тургач, ўзини тоғ ўнгирларига, қиличдек кескир қоялар бағрига уришини яхши биламиз. Илоннинг эса бирон-бир хавф-хатар туғилса девор қавакларига, заҳ қоронғуликка кириб кетишини ҳам кўп кўрганмиз. Шоир учун ушбу ҳолатларнинг иллюстрацияси, натуралистик ифодаси керак эмас. Уни, асосан, моҳият қизиқтиради. Ана шу лавҳалар ўқувчи онги-тасаввурида ассоциатив фикрлар уйғотади. Ва биз табиат ҳаётининг ҳар бир лавҳасидан фикрий-ҳиссий тайёргарлигимиз тақозосига кўра муайян сабоқлар оламиз. Хулосалар чиқарамиз.

Шуҳратнинг фалсафий лирикаси абстракт тафаккурни хуш кўрмайди. Жонли, ҳаётий образлар фикрлари билан бирга кўнглимизга оқиб киради. Шу боисдан ҳам шоирнинг поэтик образлари реал воқеликдан сизиб чиқади. Конкрет деталларга, аниқ воқеа-ҳодисаларга таянади.

Маълумки, сув билан олов, кун билан тун, иссиқ билан совуқ асло қовуша олмайди. Лекин халқимизда, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деган ибратли мақол бор. У айти шу шаклда “ҳаётда, тирикликда имкониятини топсанг кўп нарсага эришиш мумкин”, деган маънони ифодалапти. Шуниси борки, шеърят сеҳри, шеърый идрок ва тафаккур қудрати чексиз. У лирик қаҳрамоннинг маънавий заруриятига кўра эҳтиёж сезса, қорлардан ловуллаган гулханлар ёқади. Зимистон тун оғушида оламни шуълаларга чўмдирган адоқсиз ёғду манбаини кўради. Ўрни келса, лирик қаҳрамон совуқнинг оташ нафасидан гул ундиради. Ёҳуд зарурат сезса, чакмоқлар бошини ерга эгиб, чақинларидан тутантириқлар олади.

Бу – ассоциатив тасаввур ва тафаккур маҳсули. Гарчанд, рационал идрок учун ушбу ҳол ҳаёлийдек туюлса-да, уни ўзимизга яқин, кадрдон ва самимий қабул қиламиз. Сабаби, бадий идрокнинг ассоциатив тури самараси ўлароқ ер билан осмоннинг, тун билан куннинг, иссиқ билан совуқнинг бир дастурхон атрофида дилкаш суҳбат қуриб ўтирганини кўриб ишонамиз. Бир пиёла чой ичиб, ўртага нон ушатиб ёяётганидан биз ҳам баҳрамандлик туямиз. Шеърят сеҳри ана шунақа мўъжизакор ва шукуҳли.

Шуҳрат лирикасида ковоқ арилар ғўнғиллаб учса ҳам биз унинг дағал товушини эшитмаймиз. Бўриларнинг оч-наҳор увиллашлари кўнглимизни увиштира-да, кўпроқ қатъиятли, иродали, айтган сўзини уддалашга чоғланган, бир сўзли, қаҳри қаттиқ одамлар қиёфаси кўз ўнгимизда жонланади. Турмуш, тириклик ҳар доим ҳам одамни олқамас экан-да. Шашти-шиддатига, ирода-қудратига монанд мақсадлар ато этмас экан-да, деган ҳаёлларга бериламиз.

Ёхуд, ёлғизлик одамни шу таҳлит шумшук кунларга гирифтор қилади. Ёки, бўри ҳам яшаш учун курашяпти. Унинг ҳам ўз мақсади, кўз тиккан ҳақиқати бор. Нега энди, табиатдаги ўсимлигу жонзотлар ҳам, ҳашорату офтоб нурлари ҳам одамларга ўхшаб фикрлаши керак экан. Ҳар бирларининг ўз тириклигидан, турмуш тарзидан келиб чиққан ўз ҳақиқатлари бордир. Ким билади, тагин...

Шу таҳлит ўй-ҳаёллар, кечинмалар объектив реал воқелик хоссаларининг табиатини тушунишга ундайди. Улардан муайян моҳият топиш, хулоса чиқариш эса лирик қаҳрамоннинг кайфиятига, психологик ҳолатига, интеллектуал сажиясига боғлиқ.

Шуҳрат тўртликлари мисолида кузатганимиздек, табиат ўзининг кундалик маиший ҳаёти манзаралари, деталлари билан одатдаги тарзда, жўн кўринишида намоён бўлмайди. Оддий ҳолатлар, муайян кайфият манзаралари чизилар экан, улар албатта аниқ мақсадга қаратилганини, конкрет мазмунни очишга хизмат қилаётганини уқиб оламиз. Шеър, шу

тахлит – коса тагида ним коса – тагдор мазмундорлиги билан нурли ва жозибали.

Кўхна афсоналарда нақл этилишича, дарёлару уммонлар замин кафтида юзага келган бўлса-да, боши етти қават осмонга етган ҳайбатли ҳақиқат қушининг кўз ёшлари эмиш. Не тонгки, олов ана шу ҳақиқат қушининг кундалик ризки-насибаси, емиши экан. Шеърият ҳаётнинг оддий ва реал кўринишларидан кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган сеҳрли мўъжизалар яратади. У инсон руҳиятининг, маънавий ҳаётининг сувдек тиниқ ва шаффоф манзараларини кўрсатишга, шахснинг маънавий комилликка етакловчи эзгулик, олижаноблик фазилатларини шакллантирувчи ёруғ йўналиши билан азиз ва мукаррам. Шу боисдан ҳам шоирнинг қалб эҳтироси, тафаккур гулхани рўпарасида уммонлар киприкларга қалққан томчилардек, осмонга ўрлаган алангалар митти шамчироқлардек бўлиб қолади. Ёҳуд, аксинча...

Шуҳратнинг фалсафий лирикасида табиат ана шунақа яхлит ва бус-бутун моҳияти билан бадий идрок этилади. Яъни, шоир табиатнинг турфа хил кўринишларини яхлит ва тугал, мукамал бир моҳиятли манзара сифатида кўради ва кўрсатади. Хусусан, баҳор гуркираган, гуллаган, яйраб-яшнаган, момақалдироқ гумбирлаган, қамчисидан чақин чиққан, шамол, ёмғир аралаш дўл ёққан ҳолатда, ёз-саратоннинг жизғанақ ҳарорати, оташи авжга минган, борлиқ жазирама сукутга чўмган аснолари билан, офтоб эса олам узра нурларини мўл-мўл улашаётган лаҳзалари билан, оқшом кечалари-қоронғуликнинг қўнглига шуъла таратаётган, одамларнинг қалбига, шуурига ойдин бир тиниқлик, маъсумлик, бокиралик бахш этаётган дамлари – ёрқин индивидуал хусусиятлари билан тушунади ҳамда тушунтиради. Шу жиҳатдан, Шуҳрат табиат сир-асрорларининг кўтаринки ва сеҳрли-мўъжизакор онларини севади, қаламга олади, бизни ҳам ўз кечинмаларига ошно этади.

...Ана кўр сўқмоғим боғдан ўтади,

Сойга ҳам тушади қирғоқ ёқалаб.

Қўлинг чўз, гулларга қўлинг етади,

Ҳар қадам ётибди уфқ орқалаб.

Лирик қаҳрамоннинг ўз боғи, боғдан оралаб ўтган тор сўқмоғи бор. Гарчанд, у тор ва мўъжаз эса-да, у элтажак кенгликлар сарҳад билмайди. Зилол чашмалару анвойи гуллар, барра майсалару залворли сукунат ҳам ана шу сўқмоқ йўлида, боғ бағрида.

Қушларнинг галаси ўтди осмондан,
Арғимчоқ солади кузда турналар,
Бу йўлдан юрмаган ёниб армонда,
Умрига ачиниб, қалби тирналар. (125-бет)

Сўқмоқ – лирик қаҳрамоннинг ҳаёт йўли. Боғ – тириклик чамани, ҳаётнинг ўзи. Табиатнинг сеҳру жодуси эса лирик қаҳрамон тасаввури-тушунчасидаги эмас, аксинча, реал кўриниб турган, адоқсиз завқ-сурур бағишлаётган ҳаётнинг ўзи, тириклик нашъу-намоси. У ҳаётни бус-бутун ҳолда – ёруғ ва қоронғу лаҳзалари билан, гўзал ва хунук гўшалари билан бирга севади, эъзозлайди. Улардан адоқсиз сурур туйишга интилади. Барибир, ҳаёт гўзал. Шунинг учун гўзаллигию хунук жиҳатлари билан суюмли. Кимки ана шу ҳаёт деб аталмиш тириклик боғидан ўз насибасига яраша баҳра олмас экан, умри армонда қолади, афсус-соғинчда кечади.

Шухратнинг фикрий шеъриятида нур образи олий бокиралик ва ҳақиқат тимсолида талқин этилади. Нурнинг реал ва рамзли маъноларисиз, юксаклиги ва боқийлигисиз Шухрат поэтикасини тушуниш ва тасаввур қилиш қийин. Табиат хоссалари ва ҳодисалари қай тахлитда кечмасин, албатта уларда осмон кенгликлари, юлдузлар жилваси, офтоб шуъласи, ойдин бир ёруғлик бўртиб туради. Шу боисдан ҳам лирик қаҳрамон “Юксакларда доимо кўзим, юксакларда юлдуз ҳам, ой ҳам”, дейди бир ўринда. (“Юксакларда доимо кўзим” шеъри).

Бошқа бир ўринда офтоб ёруғликка, нурга буркагани боис суюкли. Шу боисдан ҳам нур гоҳ ойдин хотира, гоҳ соҳиби жамол, гоҳ умр ҳикмати, гоҳ муҳаббат, гоҳ бахт, гоҳ яшиллик ва тиниқлик, гоҳ сувда чўкмас, ўтда ёнмас боқий сўз, гоҳ поклик ва безаволлик, гоҳ фарзанд, гоҳ сўнмас юрак, гоҳ олов,

гоҳ мушфиқ она, гоҳ ёруғ келажак ва ҳ.к. турфа маъно қирралари билан
жилоланади.

Исмига яраша қалби ҳам бўлса,
Оҳ, қани ҳамиша гуриллаб ёнса.
Гуркираб ёнса-ю эл-юрт қувонса,
Эл-юртнинг хилвати нур билан тўлса. (54-бет)

ёки,

Ёшларга боқаман мамнун ва мағрур,
Уларнинг сафида фарзандларим бор.
Барига тилайман олам-олам нур,
Кўзида кўраман истикбол, виқор. (37-бет)

ёки,

Меҳрингиз зарраси олам ёритар,
Меҳрингиз шуъласи одам яратар...
Сиз инсон қонида юрган қуёшсиз,
Ҳар кунжак хонага кирган қуёшсиз. (30-бет).

ёки,

Боғларингда чаман барқ урса,
Нур уфурса, бил, ўша менман...
Тунлар йўлинг ёритса чироқ
Шуъла сочган, бил, ўша менман. (63-бет).

Нур – маънавият шуъласининг шаффофлигини, фикрларнинг юксак парвозини, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг боқий ва ҳақиқат ёғдуларини бор моҳияти ила кўрсатишга интилиш самарасидир. Нур – ҳаёт гўзалликларини улуғлаш билан баробар, тирикликнинг хира, жамиятнинг қоронғу гўшаларини ҳам ёритишга қаратилган моҳияти билан файзиёб. Шоирнинг табиат лирикасига мансуб шеърлари учун хос умумий типологик бир хусусият мавжуд. Хусусан, дастлабки тўртликда турмуш, тирикликнинг маиший бирон-бир ҳолати чизилади. Кейинги сатрларда эса ана шу лавҳанинг моҳияти очила бораркан, умр маъсулияти, ҳаётнинг боқий

хақиқатлари рамзий маъно касб этган бадий умумлашмаларда намоён бўла боради. Мазкур поэтик приём шоир қаламга олган мавзуларни теран бадий умумлашмаларда, фалсафий йўсинда идрок ва ифода этиш имконини беради.

Шухрат талқинидаги нурдан кўнглингга кенглинглари ҳавоси, маҳобати ва таровати билан кириб келгандек бўлади. Бу шубҳасиз, лирик қаҳрамон тафаккур тарзининг ҳадлари теранлик касб этиб бораётганлиги шарофатидан.

Нур образи серкўлам, серқатлам ижтимоий-эстетик маъно қирраларига эга. У одамларнинг орзу-армонлари, имкониятлари, куч-ғайрати қанчалик ҳудудсизлигини аңлатиш билан баробар қуёш ёғдуларидан баҳра олаётган борлиқ хоссаларини янада гўзаллаштиришга мойил. Ана шу жараёнда майин майсалар нигоҳидан тортиб шабадаларнинг эпкинларигача қайноқ меҳрга ўрашга, гулга буркашга интилади. Унинг туйғулари шунчалар ҳаётсеварки, гўзалликка ошифта ва ташнаки, у атроф-теварагини, олам ранглари, одам феъл-атворларини олижаноблик, яхшилик, эзгулик нури билан чароғон этгиси келади.

Офтоб нурлари – бу инсонга берилган тириклик ҳосияти. Ҳаёт ҳикмати. Лекин у ана шу иноятнинг гадоси, неъматнинг қули эмас. Ваҳоланки, у бугунга келибгина нурни кўраётган, шуълани қалбига ҳамроз тутаетгани йўқ. У азал-азалдан ота-боболарнинг, авлод-аждодларнинг тафаккурида гулханлар ёққан, юрагида зилзилалар уйғотган шаъшадор нурга ворис. Зеро, бу нур – комил инсонни вояга етакловчи маънавият гултожи. Ҳаётнинг ўзгариб турувчи ўзгармас гўзаллигининг азалий таянчи, омили. Негаки, у одамлар кўнглидаги, шууридаги табиат юқтирган ёруғликка туташ, эгизак. Офтоб нурлари одамлар юрагида чатнаган шуълалардан алангалар ҳосил қилади. Негаки, у ҳаётини мукаммаллаштиришга интилган эрк, ҳурлик нурлари билан туташади. Уларнинг ўзаро бирлашишидан инсон тириклигини, инсон шахсини, инсон маънавиятини ёритувчи юксак идеаллар гулхани вужудга келади.

Шухратнинг лирик қаҳрамони беқиёс севинчга ғарқ. Зеро, аждодлар тафаккурини ёритиб, юрак-юракларидан силқиб таралган нур бугунги

воқелигимизга, одамлар қалбига келиб туташаяпти. Эрка, ёруғликка интилган одамларнинг кўзидаги, қалбидаги, фикридаги шаъшадор шуълаларга уланяпти. У ҳам уфқлардан, шафақлардан ўрни йўқолмайдиган, нурлари сидирилмайдиган жажжи қуёш ёқиш, ўзидан сезиларли из қолдириш иштиёқи билан ёнади. Одамларнинг қалбига яхшилик уруғини, эзгулик зарраларини, гўзаллик шуъласини элтиш истагида ёниб яшайди.

Нур – ҳаёт рамзи, гўзаллик тимсоли, боқийлик муждаси сифатида талкин этилади. Шу боисдан ҳам азал-азалдан ҳеч бир зўравон нурнинг бошини кундага қўйиб, чопиб ташлай билмайди; бўйнига сиртмоқ солиб дорга тортиб боролмайди. Шумшук мушук боласидек бўйнига тош боғлаб дарёга чўктира ололмайди. Зеро, нур – бу ҳаёт ҳақиқати. Ана шу ижтимоий адолат ғояларини, эрк, хурлик интилишларини моддий шакллантирган – сеҳрли сўз. Шоир шеърлари, шоир сўзлари, адолат идеаллари нурга қиёс этилади. Шоир сўзлари, шеърят тили – ҳар бир гўшага, ҳар бир юракка, ҳар бир хонадонга қуёш нуридек ёруғлик, ҳарорат, тиниқлик ва бокиралик олиб киради. Шу маънода, шеър шоир сўзи, бадий сўз – ҳақнинг, эзгуликнинг тимсоли сифатида боқийликка айланади. Халқнинг ҳақиқат, ёруғлик, гўзаллик ҳақидаги орзу армонлари, идеаллари ифодаси сифатида мангулик сари юз тутаяди.

Нурнинг тонгни бошлаб келишида, дов-дарахту ўт-ўланларни, қурт-кумурскаю паррандаларни – барча жонзотни уйкудан уйғотишида, тирикликка, ҳаракатга, фаолликка ундашида, кечки оқшом шуъласининг маъсум ҳароратида табиат ҳаётининг боқийлик ҳикматини ўқийди. Тонг, пешин, шом, тун – булар ўткинчи дамлар ва шу билан баробар, улар ҳамиша такрорланиб тураркан, ҳаётнинг, воқелик жараёнларининг янгилиниб, ўзгариб туришини таъминлайди. Зеро, ана шу узвийлик жараёнларида ҳар бир фаслнинг, ҳар бир лавҳаларнинг ўзига хос нури бор, ёруғлигию ҳарорати бор. Лирик қаҳрамон боқийликнинг сеҳри-жозибасини ана шу омилларда кўради. Энг муҳими, Шухратнинг лирик қаҳрамони фидойи меҳнати билан, одамларга адоқсиз меҳр-муҳаббати билан, она юртни янада гўзаллаштириши

билан қалб кўрини, фикр шуъласини офтоб нурлари билан туташтириш иштиёқида ёнади. Зеро, боқийликнинг моҳиятини, асл табиатини нурнинг катим-катимларига яширинган инсоннинг ёруғ умри, бир чимдим тириклиги бадалида, фаол меҳнати самаралари, фарзандлари, она Ватан табиатининг мўл-мўл ёғдулари белгилайди, дейди. Ана шу ишонч, эътиқод Шухратнинг табиат лирикасидаги нур образининг ҳаётийлигини ҳам кўрсатади. Шухрат поэтикасининг таркибий қисмини таъминлайди.

Абдулла Ориповнинг фалсафий шеърляти учун хос бўлган тафаккур тарзи инсон ҳаётининг кечаси, бугуни ва эртаси, умр фасллариининг моҳиятини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишга йўналтирилган. Инсон умрининг маънавий-ахлоқий меъзонлари, шахснинг табиат ва жамият олдидаги бурчи масъулияти лирик қаҳрамонни ўйлантириб келади. “Инсон тирикчилигининг маъноси нима”, “Ёруғ очунда умргузаронлигининг боиси нимадир”, “Умрнинг мазмуни, ҳикмати, аслида, нималар билан белгиланади” сингари саволларга кўп бор тўхталади. Ушбу жараёнда, одам ўзини ўзи тушуниб етиши, аслини англаб олиши олий саодатдир, деган бадиий-фалсафий концепция шоир тўртликларига алоҳида мазмун, йўналиш бағишлайди.

Орзум шул, ўчмасин ёнган чироғинг,
Юлдуздай нур сочсин чашминг – қароғинг.
Магар чинор бўлсанг чинордай яша,
Бевақт узилмасин бирор япроғинг.⁸

Аввало, шу нарсани таъкидлаш жоизки, рамзли маънодорлик, бадиий шартлилик тимсолли мазмун касб этган ҳаётий факт ва воқеалар асосига қурилган бадиий тафаккур тарзи Абдулла Орипов шеърлятига, шу жумладан тўртликларига ҳам хос хусусиятдир.

Абдулла Орипов талқинидаги чинор ақл кўзи билан кўриб мушоҳада юритиладиган тасвир объекти эмас, аксинча, у рамз. Ўзининг рамзий маъно

⁸ **Абдулла Орипов.** Танланган асарлар. Тўрт жилдлик, 1-жилд. Шеърлар ва дostonлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 2000, 279-бет (Кейинги мисолларда ушбу нашр жилди ва саҳифаси матнда кўрсатилади)

хусусиятлари билан инсон қалбининг қатим-қатимларига кириб боради. Яъни, рамз инсон кўнглига йўл очади. Шу билан баробар, у оламнинг сир-синоатларини ўзида яширган сеҳрли хилқат, мўъжизакор рўё. Шу боисданми, шоир тасвиридаги ҳаётий факт ва ҳодисалар теран бадиий умумлашма мазмуни билан вужудимизга ширин титроқ ва ғулув солади. Тафаккуримизга равшан ўйлар олиб киради.

Шу нарса характерлики, Абдулла Орипов тўртликларидаги талқинлар тасвирида инсон ўзини ожиз ва кўнгли сўник, ғариб ҳис этмайди. Асло, ана шу ёлғиз асноларда инсон оламнинг сирли мўъжизаларини равшанроқ ҳис этади, ўз-ўзини ҳам теранроқ англай бошлайди.

Туғилсанг бахт билан камол ўшадир,

Тарк этсанг оламни завол ўшадир.

Охир чоғ тупроғинг устига келиб,

Кимдир ёд айласа, иқбол ўшадир. (2-жилд, 48-бет)

Тупроқ – тимсол. Инсоннинг борлигига ҳам, йўқлигига ҳам асосий меъзон. У, аслида, одамнинг борлигини ҳам, йўқлигини ҳам кўрсатиб турувчи бош омил. У инсоннинг ҳам моддий, ҳам руҳоний ҳаёти кўзгусидир. Маънавий-интеллектуал ҳаёт инсон умрининг давомийлигини таъминлайди. Келгуси авлодлар ҳаётидаги нурли изларини белгилаб беради.

Инсон умри поёнига етган бўлса-да, тириклик қоронғуликка кўмилди, деган гап эмас. Умр шаъми сўнди деган маънодан йироқ. Тупроқ қаърига сингиб кетган сукунат садолари сир-асрорга мўл. Агар эътибор берсак, кўнгил маснади, энг буюк ҳилқат. У инсон тириклиги – маънавий

ҳаётининг олий матлаби. Абдулла Ориповни кўнгил деб аталган сирли ҳаёт маънолари кўпроқ қизиқтиради. Кўнгил мулкининг асморлари ақл бовар қилмайдиган ёки идрок қилиш қийин бўлган рўёлар эмас. Шоир талқинига кўра кўнгил – забт этиш қийин бўлган азалий ва абадий ҳаёт. Тириклик оҳанглари хотиралар шаклига кириб, кўнгилларда яшайди. Тўғри, инсон ўлгач, вужуд-вужуди тупроққа қўшилиб кетади. Боқий ҳаётнинг азалий измига уланиб кетади.

Тупроқ – борлиқнинг жонли бир бўлаги. Агар, разм солсак, тупроқ сукунати оғушида инсоннинг турфа зиддиятли ақл-идроки, зехни-шуури, ўй-кечинмалари ҳам рангдор қатимларига боғланган. Тупроқнинг зил чўккан сукунати инсон туйғуларини, зехн-заковатини ўз қаърига ютиб кетгувчи тубсиз чоҳ эмас, йўқ. Тупроқдаги жим-житлик сеҳрли садоларга эга. У бедад тирикликнинг бир кўриниши. Ҳадсиз-худудсиз ҳаётнинг оғир сукутга чўмган ҳолати. Абдулла Орипов талқинида тупроқ – бадиий умумлаштирувчи фалсафий мазмунга эга. У оламнинг бутунлигини, маънавий-интеллектуал тириклик давомийлигини, умрларнинг руҳоний жиҳатдан азалийлигини тасдиқловчи моҳияти билан намоён бўлаётир.

Англашиляптики, Абдулла Орипов тўртликларида тупроқ инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги сифатида гавдаланади. Ўйларимиз, кечинмаларимиз тупроқ таркибига уланиб кетади. Шу жиҳатидан, гарчанд шоир тупроқ билан инсон хотираси ҳақида гапираётган бўлса-да, улар кўнгилларнинг руҳоний тириклигига туташ.

Самода юрибди ҳануз ёлғиз ой,
Танҳолик қийнайди уни ҳойнаҳой.
Йўқликдан ахтардим сенинг васлингни,
Ким қайга сиғинса, Каъба ўша жой.

(2-жилд, 47-бет).

Ой-ёлғизлик рамзи. Агар эътибор берсак, шоир ҳаётий фактлар замиридаги тириклик фалсафасини ўқишга ҳамда тушунтиришга иштиёқманд. Яъни, фактлар асосига қурилган бадиий тафаккур тарзи ўзининг умумлашма фикрларидаги фалсафий маънодорлиги билан ажралиб туради. Бу – Абдулла Орипов тўртликларида ижодкор индивидуаллигини намоён этувчи муҳим хусусиятларидан яна биридир.

Шоирнинг бадиий-эстетик талқинидан англашилаётган маъно қирраларидан бири шундан иборатки, инсон кўнгли ҳам Каъба мисоли бош урилажак олий маснад. Кўнгил ҳам Ой мисоли етишиш ва англаш, тушунтириш ниҳоятда қийин бўлган бир маъво. Ушбу тўртликдан Абдулла

Орипов лирикасига хос бўлган табиат ва инсон кечинмаларининг афористик маънодорлиги бўртиб турибди.

Абдулла Ориповнинг табиат ва инсон маънавиятига оид тўртликларида кечинмалар ибратли кузатишлар билан, ҳикматли мушоҳадалар билан уйғунлашиб кетган. Улар лирик қаҳрамон кўнглидагини тилига чиқараётир. Хусусан, кўнгилнинг оний лаҳзаларини, кўринишларини, манзараларини ўта синчковлик билан кузатамиз. Фикрларнинг ингичка товушларини, садоларини эшитгандек бўламиз. Муҳими, табиат билан инсон маънавий ҳаётининг уйғунлиги кўнгилларнинг қоронғу қатим-қатимларида яшириниб ётган сир-асрорни бизга ошкор этади. Тириклик ҳикматидан уққан маъноларни шоир билан бирга ўқиймиз. Ўзимиз учун ибратли хулосалар чиқарамиз.

– Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам,

Нега нигоҳингни тортади тупроқ?

– Менинг ер устида танишларим кам,

Менинг ер остида дўстларим кўпроқ. (2-жилд, 89-бет).

Шоир мазкур тўртлигида файласуф ва руҳиятшунос сифатида гадаланади. Хусусан, агар “Туғилсанг...” тўртлигида тупроқ тимсоли тириклик суқунатини бузгандек туюлса-да, аслида ҳаёт асло сўнмаслигидан далолат беради. Инсон умри, тириклиги жаҳоний талотумда йўқлик қаърига сингиб, унутилиб кетаётгани йўқ. Зеро, инсон ўзининг севгиси, фикр-мушоҳадалари билан ҳаёт оқимида ўрни ва изи борлигини эслатиб тургандек бўлади.

Ер ости зимистон қоронғулик дунёси эмас. Тириклигининг шаклини ўзгартирган одамларнинг шивир-шивир овозлари беркинган маъво ҳам эмас. У одамларнинг эътиқодлари, маслаклари, ташвишлари, мушкулотларини ўз бағрига олган ёруғлик дунёси. Лирик қаҳрамоннинг руҳиятида, маънавий ҳаётида кечаётган дардли сўроқларга уланади.

Мазкур тўртлигида ҳам шоир ўзининг бадиий-фалсафий концепциясига содиқ. Унинг янги, тахи бузилмаган қиррасини ёритишга муваффақ

бўлаяпти. Хусусан, тупроқ тимсоли ўзининг янги маъно жилваси ила зоҳир бўлаётир. Тупроқ – боқий ва фоний ҳаётнинг тимсолини ҳам аёнлаштираётир. Ер усти – фоний тириклик, ер ости – боқий ҳаёт рамзи. Инсон – ҳар икки фаслга даҳлдор тириклиги бадалида маънавий-интеллектуал қадриятлар ярата олсагина руҳоний тириклигининг давомийлигини таъминлай билади. Шу боисдан ҳам ер устида танишларим кам дейишлиги бежиз эмас. Лирик қаҳрамон учун эътиқоддош, маслакдош инсонлар шахсигина азиз ва муқаррамдир. Улар, гарчанд, боқий дунёга рихлат этган бўлсалар-да, лирик қаҳрамон билан сафларда тирик, барҳаёт. Ер устидаги фоний тириклик жабҳаларида – маънавий-руҳоний ҳаётда курашларга ярайди. Камарбаста, курашчан.

Мазкур тўртликларда эса инсон тириклигининг эврилиш жараёнлари боқийлик маъвосида – боқий қадрият тимсолида тадқиқ этилади.

Бир вақт бошоқ эдим, қирларда ўсдим,
Сўнг яхлит дон бўлиб қўлингга тушдим...
Кейинчи, ташладинг тегирмонга сен,
Кафтингда ун бўлиб турибман, дўстим.

(2-жилд, 118-бет)

Эътибор бераяпсизми, бошоқ, дон, ун – булар деталларгина эмас. Табиат ҳаётининг мазмунли хоссалари бўлиши билан баробар ўз моҳиятига кўра инсон тириклигининг гўзаллигини таъминловчи ҳаётбахш маънодорлик ҳам касб этаяпти. Шу жиҳатларига кўра табиат хоссалари лирик қаҳрамон ҳаётининг мазмунига айланиш баробарида ўз тириклигидан “кўнгил сирларидан” ҳам бизни воқиф этаяпти. Бугдой дони, аслида, инсон ҳаётига йўлдош бўлганлиги боисидан боқий мазмун касб этаяпти. Ботинидаги боқийлик салоҳиятини ошкор этаяпти. Агар у инсон қўлига тушмаганда, инсон тириклигига эш бўлмаганда, одамлар ҳаётининг мазмунига айланмаганда моддий қадрият мақомига етишмаган бўлар эди. Бу – бир. Иккинчидан, бугдой бошоқлари замирида ҳаётсеварлик яширинганлиги боисидан ҳам инсон умрига ҳамиша йўлдош.

Демак, шоир талқинига кўра буғдой дони таркибида, табиатида ҳаётга муҳаббат, гўзаллик ва эзгулик мужассамлашган. Ушбу хусусиятлар инсон меҳнати, инсон кўнглининг муҳри шарофати билан боқий ҳақиқатга айланаётир. Яъни одамдаги одамийлик ўзининг олий ифодасида зоҳир бўлаётир.

Устоз Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам “Инсон – ҳаёт гултожи” мақоласида ушбу масалага алоҳида урғу беради. “Инсонийликни мен одамларнинг табиатига бўлган муносабатларида ҳам кузатиш мумкин, деб ҳисоблайман. Баҳордан қувониб, куздан ғамгинлашган ҳар бир одам катта инсоний қалб эгасидир. Аслида, инсонийликнинг умумий қондаси бирор ерда ёзилган эмас. “Беайб парвардигор”, деганларидек мукамаллик ҳар кимга насиб этавермайди. Аммо, барибир дунёда “яхши одам” деган тушунча мавжуд. Эл-юрт агар сени яхши одам деб ҳисобласа, инсонийлигинг ҳам шу бўлса керак”.⁹

Агар, эътибор берсак, Абдулла Орипов тўртликларида ҳам ҳаётий фактларга, воқеа-ҳодисаларга таяниб тириклик фалсафасига оид ибратли фикрларни айтишга эришади. Яъни, бадиий-эстетик умумлашмалар ҳамиша реал фактларга асосланади. Улар аниқ воқеа-ҳодисалар бағридан сизиб чиқади. Хусусан, факт ва воқеа-ҳодисалар “кўнглини” очиш-ёритиш орқали одамлар қалбига йўл очади. Ўқувчига ибрат бўларли ҳикматга йўғрилган фикрларни айтишга муваффақ бўлади.

Қадимдан бир гапни уқдирар ҳаёт:

Мард бўлсанг, ўз тўғри йўлингдан қолма.

Ўладиган бўлсанг ўз гўрингда ёт,

Бировнинг мазорин эгаллаб олма.

(2-жилд, 118-бет)

Одамларнинг кунига яраш, мушкулени осон қилиш (“Ташвишга чулғаниб қолди бу юрак. Ташвишлар кўпайди ҳаддан зиёда”), дардларига

⁹ **Абдулла Орипов.** Эҳтиёж фарзанди. Адабий мақолалар, суҳбатлар, бадиий публицистика. “Ёш гвардия”, Тошкент, 1988, 99-бет.

малҳам бўлиш инсонийликнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Бу, ижтимоий идеалнинг, инсонийлик эътиқодининг устивор кўриниши, аслида. Шу жиҳатдан, “... эътиқодни ҳаёт, муҳит шакллантиради. Муҳит таъсирида ўз эътиқодидан тойганлар ҳам ёки шу йўлда нобуд бўлганлар ҳам тарихда кўп... Тўғри, ҳаёт кишини турли вазиятларга дучор этади. Лекин ҳар қандай мураккаб ҳолда ҳам виждонини асрай олган зот ўз эътиқодини ҳам асрай олади, деб ўйлайман. Ҳаётим давомида ёлғизликни бирмунча ҳис қилганман. Ана шундай пайтларда мени яхши одамларга эътиқодгина қутқариб келган ва қутқариб келмоқда. Шу сабабдан эътиқод деганда, ўз қалбида улуғ инсонийликни мужассам этган аниқ, бор одамларга эътиқодимни ҳам тушунаман”.¹⁰

Абдулла Орипов эстетикасида эзгулик, гўзаллик, адолат сингари башарий қадриятларни олқаш, ҳимоя қилиш ва умрузоқлигини таъминлаш учун камарбасталик шахс табиатидаги инсонийликни ва демакки, эътиқоднинг бош белгиларидир. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, шоир талқинига кўра ўз тўғри йўлидан қолмаслик, бу – эътиқодга садоқатдир. Эътиқодсизлик эса, одамни турфа кўчаларда тентиратиб қўяди. Ўзлигидан тонишга, ўз-ўзини танимасликка олиб келади. Бировнинг мазорин эгаллаб олиш ана шу хил нобакорлик кўринишларидан биридир.

Агар, эътибор берсак, табиат хоссаларидан, ҳаётий факт ва ҳодисалар замиридан фалсафий фикрлар, ҳикматга йўғрилган мазмун, ибратли маънодорлик сизиб чиқаётир. Кўринадики, шоирнинг лирик қаҳрамони табиий хоссалари билан уйғунликда кечган асноларини энг бахтли, боқий дақиқалар, деб билади. Улар лирик қаҳрамон кўнглини тозартириш – поклаш баробарида инсондаги одамийлик хислат-фазилатларини ҳам улуғлайди. Инсон табиатнинг бир зарраси бўлганлиги боисидан ҳам сўлим оғушида – тупроғида кушойиш топаётир. Эътиқодсиз – ўз йўлига эга бўлмаган кимсалар соясига айланмаётир. Табиат хоссалари билан камарбасталик лирик қаҳрамонга унинг сирли қадрдонлигини билиш, ошифталикларини ҳис этиш

¹⁰ Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. Адабий мақолалар, суҳбатлар. 100-101-бетлар.

лаёқатини ҳам ноил этаётир. Табиатдаги нур ва соялардан қанчалик завқланиш баробарида инсон ўзининг феъли-фаолияти билан ана шу ҳолатлар мазмунига сингиб бораётир.

“Мард бўлсанг” тўртлигида тупроқ образининг бадий ифодаси антитеза асосига қурилган. Мазкур усул маънавий-ахлоқий ибрат тариқасидаги маънони кучайтиряпти. Тушунчаларнинг контраст усулидаги ифодаси маънонинг таъсирчанлигини оширяпти. Ахлоқий мазмуннинг умумлашма-хулоса тариқасида кўламдорлик касб этишини таъминлаяпти. “Мард бўлсанг”, “Бахтли одам”, “Бир вақт...”, “Оқшомдан бошлангай”, “Ҳар гал...” ва ҳ.к. тўртликлари нафақат фалсафий мушоҳадакорлиги билангина эмас, ибрат тариқасидаги ахлоқий мазмунни ифодалашига кўра ҳам эътиборли.

Демак, Шухратнинг табиат ва инсон талқинидаги тўртликларида ҳикматли дидактика “Ўт тушган юракка...”, “Туғилмоқ...”, “Баҳор келди”, “Боғ хувиллар”, “Бахт излаб”, “Гул узмоқ...”, “Қатикнинг юзини...”, “Қор эриди...”, “Нишонни тўғрилаб” ва ҳ.к. ўнлаб тўртликларида халқона ҳикматга, бадий умумлашмалардаги ахлоқий дидактик фикрларга, ҳамиша ўқувчи учун ибрат, сабоқ тариқасидаги мазмундорликка алоҳида урғу беради. Бу нарса Шухратнинг бадий тафаккурида табиат ҳар қандай жамиятнинг гули, инсон эса – гултожи, деган бош маъно устивор. Табиат инсонни маънан ва жисман камол топишида бебаҳо устоз. Ҳамиша ҳикмат ва ибрат манбаи. Шу тариқа, ҳаёт – инсон учун боқий муаллим, деган маъно Шухрат тўртликлари мағзини ташкил қилади.

Шухрат тўртликларида маъно йўналишига, услубий ифодасига, поэтик образларнинг талқинига кўра дидактик йўналиш кучли. Ҳаёт – биз учун устоз, табиат – мураббий, деган бадий пафос тўртликларининг суҳбат оҳангидан, поэтик нутқидан яққол кўзга ташланади. Сюжет-композицион бичими ҳам поэтик мушоҳадакорлик-суҳбатнинг ишонч, муҳокама-мулоҳаза, таъкид сингари турли йўсиндаги ифода кўринишларини ойдинлаштиради. Бу эса, ўз навбатида ўғитли мазмунни халқона ҳикматга айлантираётир. Энг

муҳими, ўғитли ҳикмат ўзининг ифода шакли билан мазмун теранлигини таъминлаётир.

Шухрат тўртликларидан майса, дарахт, шамол, кушча, сут, илон ва ҳ.к. образлар ибратли маъно ифодалашига кўра рамзли мазмун қирралари билан гавдаланади.

“Лочинга кўз керак, бургутга қанот”, “Либоснинг янгиси, дўстнинг эскиси”, “Мен сенинг қабрингга келаман бот-бот”, “Олам асли чала битган бир бино”, “Қурбақа табиат кишилар ҳам бор”, “Қафасдан кенгликка интилган қушдек” ва ҳ.к. тўртликларидаги боғ, кўчат, қурбақа, соч оқи, шуъла образлари табиат ҳаётига рангдорлик, тириклик, ёруғлик бахш этиб туради. Боғ нафаси, кўчатлар, нур ва гул лирик қаҳрамоннинг бир умрлик азалий қадрдонлари. Улар лирик қаҳрамон тирикчилигига мазмун бағишлаш билан баробар ёруғликнинг боқийлигини, ҳаётнинг тотли, умрзоқ неъмат, беназир иноят эканлигини тасдиқлайди. Шухрат тўртликлари халқона ҳикматга йўғрилган гуманистик йўналиши билан ҳам нуфузлидир. Табиат ранглари ва хоссалари ўз мазмуни билан намаён бўлишига кўра сабоқ, ибрат тариқасидаги моҳият ҳам касб этади.

Табиат рангларида англашилаётган маъно бизга ҳаётдаги азалий (оқ ва қора, ёруғлик ва қоронғулик, эзгулик ва залолат, нур ва зулмат ва ҳ.к.) кучлар нисбатини эслатади. Ёлғиз шуъла, нур рамзли образлари воситасида умримизни янада бойитувчи ва гўзаллаштирувчи ёруғликнинг шарофатини, шуъла монанд тирикликнинг ибратли маъноларини ўқишга даъват этади. Шухратнинг табиат ва инсон талқинидаги тўртликлари ҳикматли дидактик руҳи, мазмуни билан аҳамиятлидир.

Абдулла Орипов тўртликларида кузатилганидек, табиат ва инсон алоқадорчилигига бағишланган асарлари поэтик образлар зиммасига юкланган янги маънолари, аввало, янгича бадий-фалсафий талқинлари эвазига зоҳир топади. Мавзу-муаммоларга шахс ва жамият психологиясини ёритиш нуқтаи назаридан ёндошиш Абдулла Орипов ижодий индивидуаллигини янги

хусусиятлар ҳисобига бойитган. Бу нарсa, аввало, бадий-эстетик тафаккур табиатидаги фалсафий-психологик таҳлил маданиятида намоён бўлаётир.

Абдулла Орипов тўртликларида бўртиб кўзга ташланаётган халқчиллик руҳи миллат манфаатлари, маънавий эҳтиёжлари нуктаи назарида мавзумасалаларга ёндошишда ҳамда бадий-фалсафий умумлашмаларида яққол кўринади. Хусусан, кўнгилларни маърифат зиёси билан чўғлантириш, онгшуурларни ақл-заковат билан тўйинтириш орқали жамият психологиясини ўзгартириш, тозартириш ва поклаш мумкин. Мазкур ахлоқий-фалсафий концепция Абдулла Орипов тўртликларидаги ижтимоий мазмун кўлами ва теранлигини, ижодий индивидуаллигини эса интеллектуаллик хусусиятлари билан бойитди.

Йўл, буғдой, ун, тупроқ, гўр, боғ, тун ва ҳ.к. образлари фалсафий-ахлоқий маънодорлиги билан ҳаётнинг боқийлигини, ёруғликнинг уйғок нафасини, ҳаёт гўзаллигининг тийрон нигоҳини англатиб туради.

Халқона ҳикматга йўғрилган фалсафий мазмундорлик Абдулла Орипов тўртликларининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Рамзли маънодорлик жамиятнинг маънавий эҳтиёжлари, давр тақозоси билан юзага келган гўзаллик ҳодисасидир. Ҳикматли мазмун ҳам фикрий, ҳам ҳиссий таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга.

Абдулла Орипов тўртликларидаги табиат манзаралари, ҳолатлари тасвиридаги ижтимоий маъно аксарият ҳолларда психологик кайфият ва кечинмалар замиридан сизиб чиқади. Шу жиҳатдан, тўртликлардан кўзланган бош бадий ният маънавий-ахлоқий вазифа бўртиб туради. Ҳикматли маъно эса табиат ранглари, манзаралари бағридан бўй кўрсатиб туради. Бу, аслида, шоирнинг кашф этган, ижодий индивидуаллигини белгиловчи бадий усулларидадир.

ХУЛОСА

Кейинги йиллар ўзбек лирикасининг тараққиёт хусусиятларига назар ташласак, давр, ижтимоий воқелик ва маънавий ҳаёт маъноларини идрок этиб борганимиз сари уларда тажассум топган замон ғояларини ҳам англаб борамиз. Лириканинг анъанавий жанрлари (рубойи, сонет, ҳокку, терцет, танка, фард, туюқ, ғазал ва ҳ.к.), ҳамда турфа поэтик шаклларда (иккилик, тўртлик, олтилик, саккизлик, бешлик, ўнлик ва ҳ.к.) ўз ифодасини топиб бераётган жамият ва инсон руҳий дунёси, ижтимоий-маънавий ҳаёт муаммолари бевосита бадиий тафаккур тараққиёти ҳақида ҳам реал тасаввур беради.

Лирика жанрлари ва турфа поэтик шакллардаги, шеърий туркумлар структурасидаги сифат ўзгаришлари ижтимоий, маънавий-ахлоқий мавзуларни, муаммоларни бадиий идрок ва ифода этишдаги хилма хил услубий изланишлар ҳамда образли воситалар поэтик тафаккур имкониятларининг нечоғлик кенгайиб кетганлиги далолатидир. Лирика жанрларининг олам билан одамни воваста ўрганиш жараёнида касб этган етакчи хусусиятларига кўра, ўзига хос поэтик шакллари, мавзулари, муаммолари ҳам ойдинлашади, зоҳир бўлади. Поэтик шакллар – фалсафий миниатюралар, шеърий туркумлар тадрижи бу поэтик тил ва индивидуал услубларнинг, ифода воситалари ва поэтик образлар тизимининг такомил жараёни ҳам демакдир. Бунда поэтик шакллар ва шеърий туркумларнинг мавзу-муаммолар канораси ҳам устивор қатъий йўналиш касб этганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, шоирларимиз табиат-жамият-инсон мавзуи орқали эзгулик ва зулм-залолат, яхшилик ва ёмонлик, фано ва бақо, тириклик ва ўлим, нур ва зулмат, инсон умрининг тунлари ва тонглари, гўзаллик ва хунуклик, имон бутунлиги ва бебурдлик, садоқат ва хиёнат сингари боқий муаммоларнинг турфа қирраларини бадиий идрок ва ифода этишаётир.

Энг муҳими, юқорида кузатилган поэтик жараён намуналари шеъриятимиз тарихини, бадиият тарихини ташкил этиши жиҳатидан ҳам

эътиборлидир. Турфа поэтик шакллар, шеърий туркумларда олиб борилган ижодий изланишлар, бадий тафаккур кўринишлари адабий-тарихий жараёнда муҳим ўрин тутишига, етакчи тараққиёт тенденцияларини белгилаб беришига кўра ҳам нуфузлидир.

Эркин Воҳидовнинг “Донишқишлоқ латифалари”, “Қумурсқалар жанги”, “Канада туркуми”, Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари”, “Ҳикмат садолари”, “Дунё” туркумлари табиатини белгилаб берган воқеабанд шеърлар, ўнликлар, саккизликлар, тўртликлар борасидаги изланишларини кузатадиган бўлсак, шоирларнинг бадий тафаккур салоҳияти поэтик шакллар канораларини кенгайтириб юборганини, лирик монологнинг турфа кўринишлари вужудга келганлигини, шеъриятимиз тарихини белгиловчи бадий баркамол намуналари дунёга келганлигини кўрамыз. Ижтимоий воқеликни, шахс ва жамият психологиясини поэтик идрок ва ифода этишда лирика жанрлари ва поэтик шакллар нечоғлик кенг ва имкониятларга эга эканлигини амалда тасдиқлашди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислон Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. (Тарих, маърифат, маънавият). “Ўзбекистон”, Тошкент. 1998, 480 бет.
2. Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. 7-том, “Ўзбекистон”, Тошкент, 1999, 410 бет.
3. Ислон Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2000, 528 бет.
4. Адабиёт назарияси. Икки томлик. I-том. Адабий асар. Тошкент, 1978, 416 бет; 2-том. Адабий-тарихий жараён. Тошкент, 1979, 448 бет.
5. Ғафуров И. Ям-яшил дарахт. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1976, 232 бет.
6. Ғафуров И. Лириканинг юраги. Адабий ўйлар. Тошкент, 1982, 224 бет.
7. Ғафуров И. Юрак – аланга. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1980, 296 бет.
8. Қўшжонов М. Онажоним шеърият (Абдулла Орипов ижоди ҳақида). Тошкент, 1975, 42 бет.
9. Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. Ижодий портрет. Тошкент, 2000, 146 бет.
10. Норматов У. Етуклик. Мақолалар. Тошкент, 1982, 386 бет.
11. Расулов Т. Бадиий асар қанотлари (образ, образлилик, услуб). Тошкент, 1977, 178 бет.
12. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. Тошкент, 1979, 192 бет.
13. Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. Рисола. Тошкент, 2003, 72 бет.
14. Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. Адабий ўйлар. Тошкент, 1983, 284 бет.
15. Шарафиддинов О. Йиллар ва йўллар. “Адабиётимизнинг ярим асри” тўплами, 1-китоб, Ташкент, 1967, 164-244-бетлар.
16. Усмон Азим. Сайланма. шеърлар. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент, 1995, 432 бет.
17. Турсун Али. Туйғулар ранги. Сайланма. шеърлар ва дoston. “Ёзувчи”, Тошкент, 2001, 256 бет.
18. Турсун Али. Сокин ҳайқириқ. шеърлар. таржималар. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент, 2005, 144 бет.
19. Машраб Бобоев. Онамга хат. Шеърлар. “Ёш гвардия”, Тошкент, 1978, 64 бет.
20. Фарида Афрўз. Ўзимдан ўзимгача. шеърлар. “Ёзувчи”, Тошкент, 2000, 160 бет.
21. Эркин Воҳидов. Сайланма. Икки жилдлик. Муҳаббатнома. 1-жилд. шеърлар, дostonлар. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт васанъат нашриёти, Тошкент, 1986, 528 бет.

22. Эркин Воҳидов. Изтироб. Адабий-танқидий, публицистик мақолалар, суҳбатлар, “Ўзбекистон”, Тошкент, 1992, 336 бет.
23. Хуршид Даврон. Сайланма. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент, 1995, 384 бет.
24. Толиб Йўлдош. Лирика. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976, 176 бет.
25. Толиб Йўлдош. Шудринг доналари. Тўртликлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1982, 112 бет.
26. Жамол Камол. Қадаҳ. Лирика. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980, 168 бет.
27. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик 1-жилд. Шеърлар ва дostonлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 2000, 432 бет. 2-жилд. Шеърлар ва дostonлар. Тошкент, 2001, 496 бет. 3-жилд. Таржималар. Тошкент, 2001, 384 бет. 4-жилд. Киносценарий, мақолалар, суҳбатлар, қайдлар. Тошкент, 2001, 384 бет.
28. Рауф Парфи. Тавба. Шеърлар. “Ёзувчи”, Тошкент, 2000, 64 бет.
29. Шавкат Раҳмон. Сайланма. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент, 1997, 384 бет.
30. Сирожиддин Саййид. Ватан абадий. Шеърлар. “Шарқ” нашриёт матбаа концерни. Тошкент, 2001, 256 бет.
31. Азим Суюн. Сайланма. Шеърлар, дoston. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, Тошкент, 1997, 416 бет.
32. Азим Суюн. Эй, дўст. 1001 қайирма. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2005, 180 бет.
33. Улуғбек Ҳамдам. Атиргул. Шеърлар. Тошкент, 2005, 224 бет.
34. Ҳалима Худойбердиева. Сайланма. Шеърлар. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент., 2000, 448-бет.
35. Тоҳир Қаҳҳор. Кун кўзи. Лирика. Шеърлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1987, 208 бет.
36. Шуҳрат. Лирика. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1973, 148 бет.